



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 22 август, № 171 (9066)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



СУД ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев суд тизимини такомиллаштириш ва одил судлов масалаларига оид тақдимот билан танишди.

Сўнгги йилларда бу соҳа изчил ислох қилиниб, судлар жазоловчи органдан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи тизимга айлантирилди.

Жумладан, маъмурий судлар ташкил этилди. Маиший ўзравонликнинг олдини олишга қаратилган самарали чоралар кўрилди. Оилавий масалаларга ихтисослашган судьялар корпуси яратилди. Инвестициявий низолар бўйича алоҳида судлов таркиби ташкил этилди.

Бу ислохотларни фуқаролар ўз ҳаётида сезмоқда, хорижий экспертлар муҳим қадам сифатида эътироф этмоқда.

Шу билан бирга, судловнинг очиқлиги ва халқчиллигини таъминлаш, рақамлаштириш орқали одамларга қулайлик яратиш, юқори малакали

кадрлар тайёрлаш бўйича кўп масалалар ўз ечимини кутмоқда.

Тақдимотда бу борадаги режалар ва уларни амалга ошириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Одил судлов соҳасини рақамлаштириш мақсадида ривожланган давлатларнинг тажрибаси асосида “Рақамли суд” концепцияси ишлаб чиқилди ва уни изчил амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Бу коррумпциянинг олдини олиш, фуқаролар ва тадбиркорларга оворагарчиликсиз одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Таҳлилларга кўра, фуқаролик ва иқтисодий судларда кўриладиган давлоларнинг катта қисми низолиқ ишларга тўғри келмоқда. Шу боис бундай масалаларни маъмурий органлар

ваколатига ўтказиш таклиф этилмоқда. Бундай тизим фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари муаммоларининг қисқа муддатда ҳал этилишини таъминлайди.

Яна бир қулайлик — маъмурий ва иқтисодий суд ишларини экстерриториал тарзда кўриш тартибини жорий этиш. Бугунги рақамли технологиялар асрида бунинг имкони бор.

Адолат ва ишончни таъминлашда судьялик лавозимининг барқарорлиги муҳим. Шу мақсадда судьяликка тайинлаш муддатларини қайта кўриб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Барча йўналишдаги судлар бўйича минтақавий тафтиш судларини ташкил этиш, вилоят ва унга тенглаштирилган судлардаги тафтиш инстанцияларини тугатиш таклифи билдирил-

ди. Бунда вилоят ва унга тенглаштирилган судларда фақатгина апелляция ва кассация инстанцияси бўлиши, тафтиш инстанцияси эса 5 та минтақавий судда ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

Яна бир муҳим масала — суд тизими учун кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш. Шу мақсадда Судьялар олий мактабининг ислох этиб, унинг негизда Одил судлов академиясини ташкил этиш концепцияси тақдимот қилинди.

Давлатимиз раҳбари билдирилган таклифларни маъқуллаб, тегишли фармонларни имзолади. Режалаштирилган вазифалар ижросини тизимли ва сифатли таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ТУРКМАНИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 22 август кuni «Озарбайжон — Туркменистон — Ўзбекистон» форматидаги уч томонлама саммитда иштирок этиш учун амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

«Аваза» миллий сайёҳлик зонасида бўлиб ўтадиган тадбир кун тартибига мувофиқ кўп томонлама ҳамкорликни, энг аввало, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика ва гуманитар соҳаларда ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади. Қатор қўшма ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган. Давлатимиз раҳбари саммит доирасида икки томонлама музокаралар ҳам ўтказилади.

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН — ОЗАРБАЙЖОН САММИТИ — БИРГАЛИКДАГИ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР САРИ НАВБАТДАГИ ҚАДАМ

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистоннинг Туркменистон билан ҳам, Озарбайжон билан ҳам икки ва кўп томонлама муносабатлари юксак даражага кўтарилган. Бугун жаҳонда кечаётган глобал ўзгаришлар эса уч давлат ўртасидаги алоқаларни барча жабҳада янги босқичга олиб чиқишни тақозо қилмоқда. Хусусан, транспорт-коммуникация, энергетика, денгизга чиқиш ва бошқа йўналишларда ўзаро шерикликни жадаллаштириш учун юқори салоҳият мавжуд.

Туркманбоши шаҳрида ўтадиган уч томонлама саммит ана шу салоҳиятдан унумли фойдаланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиши кутилмоқда.

Қайд этиш жоизки, шу йил 5 — 8 август кунлари Туркменистоннинг «Аваза» миллий туристик ҳудудида бўлиб ўтган БМТнинг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференцияси доирасида ҳам Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев, Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов ва Озарбайжон Бош вазيري Али Асадовнинг уч томонлама учрашуви бўлиб ўтган эди. Унда ўзаро манфаатли минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш ва қўшма лойиҳаларни илгари суриш масалалари кўриб чиқилди.

Энг аввало, энергетика,

транспорт ва логистика, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида кооперация учун имкониятлар мавжудлиги қайд этилди. Амалий ҳамкорликнинг истикболли лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун мазкур форматдаги мулоқотларни давом эттиришга келишиб олинди.

Ўзбекистон — Туркменистон муносабатлари икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли сўнгги йилларда сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Хусусан, 2017 йил 6 мартда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ва 2022 йил 21 октябрда имзоланган Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация икки томонлама ҳамкорликнинг мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий асоси сифатида хизмат қилмоқда.

Муносабат

КўНГЛИМДА ЧЕКСИЗ ФАХР-ИФТИХОР

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги уйлар, корхоналарни барпо этиш эндиликда ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифага айланиб қолди. Негаки, бу қатор ижтимоий масалалар — аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш сари йўл очади, шунингдек, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар тайёрлаш имконини беради.

Бу борада биз, тадбиркорларни давлатимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Президентимизнинг ҳар йили 20 августда тадбиркорлар билан учрашиб, соҳага кўплаб имтиёз ва енгилликлар бераётгани ҳам ишбилармонларга бўлган эътибор намунасидир. Шундай тадбиркорлар сафида эканимдан қалбим фахр-ифтихорга тўлди.

Ахир давлатимиз раҳбари “Ҳеч нарсадан қўрқманг, интилиш ва изланишдан чарчаманг, фақат олдинга, катта марралар сари дадил қадам ташланг!” деса, камтарин меҳнатимиз юксак тақдирланиб “Шўхрат” медалига муносиб топилсам, бундан гурурланмай бўладими?

Президентимиз давлат раҳбари сифатида фаолият бошлаган илк кунларданок тадбиркорларга эркинлик берилди,

қулай ишбилармонлик муҳити яратилди. Натижада ҳудда-беҳудда текширишлар буткул барҳам топди, тижорат банклари янги иш ўрни яратиш ишлаётган мулкдорнинг яқин ҳамкорига айланди.

Очиги, илгари текширувчи дегани келавериби, ҳужжатларни титкилайвериби кўзни очирмасди. Уларнинг назарида биз гўё муттаҳам эдик. Ҳатто айрим давлат идоралари ҳам тадбиркорга ўғай кўз билан қаради. Президентимизнинг узоқни кўзлаган одилона сиёсати туфайли вазият тубдан ўзгарди. Давлат раҳбарининг тадбиркорлар билан очик-ошкорча мулоқоти мавжуд камчиликлару муаммоларга ечим бўлмоқда. Шу боис ҳам чет эллик экспертлар айтаётганидек, Ўзбекистон бекиёс имкониятлар мамлакатига айланмоқда.



ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАР ДАРҲОЛ КУЧГА КИРДИ

Давлатимиз раҳбарининг юртимиз тадбиркорлари билан бўлган очик мулоқоти ўзига хослиги, тарихий янгилиги билан янада аҳамиятли бўлди. Гап шундаки, аввалги учрашуларда бизнес вакиллари томонидан билдирилган таклифлар акс этган ҳужжат бир неча ҳафта ёки ойлардан сўнг чиқариладди. Бу гал эса жараён кечиктирилмади, мулоқот кунининг ўзидаёқ Юртбошимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан V очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди.

Бу амалиёт биз, тадбиркорлар учун қувончли, аини пайтда, кутилмаган янгилик бўлди. Ахир ишбилармонлар томонидан илгари сурилган ташаббуслар, билдирилган таклифлар мамлакат етакчиси томонидан қўллаб-қувватланиб, дарҳол амалда ўз ифодасини топа бошладди.

Чиндан ҳам, Президентимизнинг жорий йилги тадбиркорлар билан очик мулоқоти ҳамда уни ташкил қилиш доирасида ўтказилган 20 та учрашувда 15 мингта мурожаат келиб тушган бўлса, Фармонда уларда кўтарилган тизимли муаммоларнинг ечимига қаратилган таклиф ва ташаббусларни амалга ошириш ҳамда очик мулоқотда илгари сурилган устувор вазифа-

ларни бажариш аниқ-равшан белгилаб берилди. Бу давлат ва бизнес ўртасидаги ишончли ҳамкорликка янада мустаҳкам пойдевор яратилганини англатади.

Ушбу тарихий ҳужжатни кечаниннг ўзида ўқиб чиқдим. Унда бизнес юритишда энг муҳим жиҳатлар, яъни зарур молиявий ва инфратузилмавий шароитларни яратиш, ташкил иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва туризмни ривожлантириш, солиқ тўловчиларни рағбатлантириш чоралари қамраб олинган. Содда қилиб айтганда, мазкур уч йўналиш бўйича бизнес тузилмаларига ҳали амалиётда бўлмаган жуда кўплаб енгиллик ва имтиёзлар берилляпти.

Бундан икки йил олдин

давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан айланмадан солиқ тўловчилар бухгалтериясини солиқчи юристадан тизим қилинган эди. Бу, шубҳасиз, тадбиркорлар учун жуда катта қулайлик яратди. Эндиликда 2026 йилдан ер, мол-мулк, ижтимоий ва даромад солиқлари ҳисоботларини шакллантириш бўйича тадбиркорлар мажбурияти бекор қилиниб, мазкур ҳисоботлар солиқчилар томонидан беғараз тўлдириб берилиши биз учун катта мануният бағишлайди. Йўлга қўйилаётган ушбу тизим орқали “Солиқчи — тадбиркорга кўмакчи” тамойили ўзининг амалий ифодасини топади.

Мен раҳбарлик қилаётган “Meridian Tempo” масъулияти чекланган жамиятига 2007 йилда асос солинган. Гарчи тадбиркорлик бўйича 25 йиллик кўникмага эга бўлсам-да, қишлоқ ҳўжалиги мен учун янги тармоқ эди. Бироқ тахрибали миришкорларнинг маслаҳати ва етук мутахассисларнинг тавсияси орқали ер билан тиллашдик, мўл ҳосил гаровини топдик.



Тадбиркорлар билан очик мулоқотда илгари сурилган энг муҳим ташаббуслар

ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ДАСТУР ИЖРОСИГА КИРИШИЛАДИ

Келгуси уч йилда меҳмонхона ва туризм масканларини ташкил қилиш учун жами **5 минг гектар** ер аукционга чиқарилади. Бунда меҳмонхона кураман деган тадбиркорлардан ерларни сотиб олиш учун тўлов ундирилмайди.

Янги меҳмонхона учун кўзда тутилган субсидия давлат объектлари ва хусусий биноларни сотиб олиб, меҳмонхонага айлантирган тадбиркорларга ҳам берилади.

Ҳозир меҳмонхона эгалари ҳар бир турист учун **кунига 62 минг сўмгача** туристик йиғим тўлаётган бўлса, энди Тошкент шаҳри, вилоятлар маркази ва йирик туристик ҳудудлардан ташқари бирорта жойдаги меҳмонхона **бу йиғимни тўламайди**.

Меҳмонхона қуриш учун **7 йил** муддатга **2 йиллик имтиёзли** давр билан вилоятлар маркази ва туризмга ихтисослаштирилган **36 та** туманда — **30 миллиард сўмгача**, бошқа ҳудудларда эса **10 миллиард сўмгача** имтиёзли кредит ажратилади.



Ҳосан ПАЙДОЕВ ошган сураттор.

Маҳаллий меҳмонхоналар, оилавий меҳмон уйлари ўртасида мукофот жамғармасы **1 миллион долларга** тенг бўлган танлов ўтказилади.

Амалдаги тартибга кўра, оилавий меҳмон уйлари туристларни қабул қилиши бўйича қўнлик меъёр 10 нафардан ошмаслиги белгиланган. Энди бу **рақам 2 карра кўпайтирилади**.

Чортоқ, Фарғона, Бойсун, Нуробод туманларида йил — ўн икки ой хизмат кўрсатадиган **300 — 500 гектарли** йирик курорт зоналар ташкил этилади. Бу лойиҳаларнинг инфратузилмаси учун **150 миллион доллар** берилади. Натижада савдо ва сервис соҳасида камида **20 минг** тадбиркорлик субъекти, **100 мингта** иш ўрни пайдо бўлади.



ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН — ОЗАРБАЙЖОН САММИТИ — БИРГАЛИКДАГИ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР САРИ НАВБАТДАГИ ҚАДАМ

Давлат раҳбарларининг ўзаро расмий ташрифлари ва кўп томонлама форматдаги учрашувлари давомида икки мамлакат алоқаларини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу учрашувлар, шубҳасиз, Марказий Осиё минтақасида узоқ муддатли барқарор шериклик, тинчлик ва яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш ҳамда кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, Туркменистон Ўзбекистоннинг муҳим савдо шерикларидан бири ҳисобланади. 2025 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунига кўра, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 464 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Туркменистон томони билан 240 та қўшма корхона самарали фаолият олиб бормоқда.

Икки давлатнинг минтақада йирик энергетика лойиҳаларини амалга оширишда ҳам фаол иштироки кузатишмоқда. Шунингдек, транспорт соҳаси муносабатларининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Мамлакатларимизнинг ўзаро интеграциялашган автомобиль ва темир йўллари учинчи давлатлар учун транзит вазифасини ўтайди.

Айтиш жоизки, ўзбек ва туркман халқларини бир-бирига бонгла турадиган тарих, туризм, маданият ва урф-одатлар халқларимизнинг умумий мулкига айланган. Бу яқинлик маданий-гуманитар ва туризм соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётир.

Яна бир муҳим жиҳат — юртимизда туркман тили, маданияти, урф-одатларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш учун барча шароит яратилган. Шунингдек, буюк ўзбек шоири ва давлат арбоби Мир Алишер Навоий мероси Туркменистонда юксак қадрланади. Туркман халқининг ардоқли шоири Махтумқули Фирӯғий ғазаллари эса мамлакатимизда севиб мутолаа қилинади.

Ўзбекистон Ўзбекистоннинг яқин дўсти ва вақт синовидан ўтган ишончли стратегик ҳамкоридир. 2022 йилда Стратегик шерикликини чуқурлаштириш ва кенг қамровли ҳамкорлиқни ривожлантириш декларацияси ҳамда 2024 йилда Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома каби ҳужжатларнинг имзоланиши билан икки томонлама муносабатлар тарихида мулоқот янги саҳифа очилди.

Мунтазам ташрифлар ва олий даражадаги учрашувлар ҳамкорлиқнинг барча йўналишида юқори суръатларни белгилаб, ўзаро алоқаларни ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб хизмат қилляпти.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни кенгайтириш, жаҳон бозорида рақобатбардорлиқни ошириш, хорижий шериклар билан ишлаб чиқариш кооперациясини чуқурлаштириш, минтақада янги транспорт йўлакларини яратиш, ривожлантириш ва улардан самарали фойдаланиш халқаро ҳамкорлиқнинг энг муҳим йўналишларидандир.

Транспорт маъмуриятлари даражасида яқин мулоқотлар олиб борилмоқда,

савдо-иқтисодий алоқалар, саноат кооперацияси мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистон ва Озарбайжон мос равишда Марказий Осиё ва Жанубий Кавказда йирик иқтисодий салоҳиятга эга

йиғиш заводининг очилиши саноат кооперациясининг ёрқин мисолларидан бири бўлди. Мазкур лойиҳа Ўзбекистоннинг экспорт имкониятларини кенгайтди ва Озарбайжонда иш ўринла-

кин савдо режими ва жорий йилнинг июнь ойида Бокуда сўнгги йиғилиши бўлиб ўтган ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро қўшма комиссия яқиндан кўмаклашмоқда.

Шунингдек, икки давлат ҳудудидagi энг истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида 2023 йилда низоом жамғармаси 500 миллион доллар бўлган Ўзбекистон — Озарбайжон қўшма инвестиция компанияси ташкил этилди. Мазкур тузилмаларнинг очилиши расмий Тошкент ва Бокунинг иқтисодий интеграциялашуви ҳамда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлиқнинг мавжуд салоҳиятини тўлиқ амалга оширишдан ўзаро манфаатдорлигидан далолат беради. Буни кўлаб тадбирлар — кўргазмалар, бизнес-форумлар, бизнес миссиялар ҳам тасдиқляди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон 2030 йлдан бошлаб мамлакатда ишлаб чиқарилган ортиқча “яшил” электр энергиясини Озарбайжон орқали Европада экспорт қилишни режалаштиряпти. 2024 йил ноябрида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Озарбайжон Президентлари “Марказий Осиё — Озарбайжон — Европа” “яшил” энергетика йўлагини яратиш лойиҳасига старт берди. Утган йили декабрь ойида уч мамлакат ўртасида лойиҳанинг таъсис шартномаси имзоланди. Лойиҳанинг экологик аҳамиятини алоҳида қайд этиш керак. Узатилмаган энергия — бу шомол ва қуёш энергияси бўлиб, қайта тикланиладиган тоза манба ҳисобланади ҳамда иқлимга таъсирни юмшатиш имконини беради.

Шу орқали Ўзбекистон ва Озарбайжон Париж битими ва Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида иқлимни муҳофаза қилиш бўйича қўшма савдо-ҳаракатларни кўлаб-қувватламоқда.

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги маданий-гуманитар, туризм алмашинувларини ривожлантиришда дин, тил, маданият ва аъёналарнинг тарихий муштараклиги муҳим ўрин тутади. Шунингдек, икки давлат ҳудудларида маданият ва адабиёт кунлари, кино ва иходий ҳафталиклар, гастроль сафарлари, бадиий кўргазмалар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Озарбайжон билан дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга бугун Ўзбекистонда истиқомат қилаётган озар миллати вакиллари ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Уларнинг маданияти ва аъёналарини оқсраб-авайлаш мақсадида мамлакатимизда Озарбайжон маданият марказлари уюшмаси ташкил этилган.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон — Туркменистон — Озарбайжон” форматидagi уч томонлама саммитда иштирок этиши, аввало, Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ минтақаларини янада бирлаштириш, уч мамлакат ўртасида кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни ривожлантириш ҳамда икки минтақа халқларининг фаровонлигини оширишга ва биргаликдаги янги йотуқларни қўлга киритишга хизмат қилади.

«Дунё» АА.

КЎНГЛИМДА ЧЕКСИЗ ФАХР-ИФТИХОР

Касбим қурувчи, озгина лойиҳадан четга чиқиб мисқоллаб йиғилган обрўни йўққа чиқариши мумкин. Шу боис сифат ва яна сифат деймиз. Жамоамиз қисқа давр ичда Қашқадарёдаги 15 дан ортиқ етти ва тўққиз қаватли уй-жойларни қуриб, хонадон қалитларини аҳолига топширди. Янги хонадонга қўчиб ўтган, уй тўйлари қилаётган отахонлар дуога қўл очиб, мана шундай имкониятларни яратиб бераётган давлатимизни алқашмоқда. “Отангга раҳмат, бара-

ка топ” деган гапни биз ҳам эшитдик. Бу ҳам қишга бекёёс руҳ беради.

Очик мулоқот чоғида бизга катта ишонч билдирган Президентимиз сийсатига қамарбаста бўлиб, янги-янги лойиҳаларимиз билан ислохотлар жараёнида янада фаол бўламиз.

Миржамол САФАРОВ,
Қарши шаҳридаги «Қашқадарё махсус монтаж сервис» МЧЖ таъсисчиси, «Шухрат» медали соҳибчи.

ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАР ДАРҲОЛ КУЧГА КИРДИ

60 гектар ерда яратган боғимизда олма, гилос, нок, малина, ўрик, шафтоли, олхўри ва узум меваларини етиштириб келямиз.

2024 йилда олманинг ўзидан 100 тонна ҳосил олган бўлсак, жорий йилда эса ҳосил микдорини беш баравар ошириб, қарийб 500 тонна ҳосил қўтаришни мўлжаллаб турибмиз. Шунингдек, малинадан 25 тонна, нокдан — 80, узумдан — 100, гилосдан 120 тонна ҳосил қўталамиз. Бу натижалар замирида 48 кишилик жамоамизнинг фидокорона меҳнати ётибди. Қолаверса, йиғим-терим мавсумида жалб этиладиган яна 100 — 150 кишининг хизмати бор, албатта.

Давлатимиз раҳбари Янги Тошкентда бўлиб ўтган тадбиркорлар билан очик мулоқотда кўчат, минерал ўнат каби санитария назоратида бўлган 32 томбадаги маҳсулотлар учун мувофиқлик сертификати бекор қилиниши ҳақида тўхталиб, озиқ-овқат маҳсулотларини хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш, уни баҳолаш билан боғлиқ миллий инфратузилма тубдан ислох қилингани ҳолда, халқаро стан-

дартларга мослаштирилишини таъкидлади. Буни эшитган биз каби тадбиркорларнинг боши осмонга етгани рост.

Кейинги йилларда соҳага қаратилаётган эътибор ва яратилаётган имконият тўғрисидаги иш ўринларини янада кенгайтириб, юқори иқтисодий самарадорликка эришяпмиз. Бу борада, озми-кўлми, қўлга киритаётган йотуқларимиз давлатимиз томонидан юксак баҳоланмоқда, рағбатлантириляпти. Хусусан, Тадбиркорлар кўни муносабати билан Президентимиз Фармонига биноан “Меҳнат шухрати” ордени билан мукофотландим. Тадбиркор учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак!

Камтарона меҳнатимизнинг эътирофидан сўнг бизнес фаолиятимизни янги босқичга олиб чиқишга, агросаноатни ривожлантиришга янада кўпроқ ҳисса қўишга ҳаракат қиламиз.

Нуриддин МУХТОРХОНОВ,
Паркент туманидаги «Meridian Tempo» МЧЖ раҳбари, «Меҳнат шухрати» ордени соҳибчи.

КУЧИМИЗГА КУЧ, ҒАЙРАТИМИЗГА ҒАЙРАТ ҚЎШИЛДИ

Президентимиз тадбиркорлар билан ҳар бир учрашувида узоқни кўзлаб, эртанги авлодлар ҳаётини ҳам ўйлаб илгари сурётган ташаббусларни, белгиллаб берилган режа ва имтиёзларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётига, халқимиз турмуш даражасининг янада юксалишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Шу боис давлатимиз раҳбари билан бу гапни очик мулоқот ҳам биз, тадбиркорлар кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиш, десак, асло муболага бўлмайди.

Хусусан, Юртнобисимизнинг йиғилишида айтган юксак марралар сари дадил қадам ташлашга даъвати, юксак эътибор ва рағбати, яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиш, эл-юрт дастурхонини тўқин этиш ҳақидаги фикрларни, берган тасвияларни орак-юрагимиздан жой олди. Ўз навбатида, бу сўзлар ишчимизга ўзгача бир масъулият билан ёндашишга ундади.

Хуллас, соҳадаги, фаолиятимиздаги бирор масала йўқки, давлат раҳбарининг назаридан четда қолган бўлсин! Кечаги мулоқотда ҳам бизнеснинг энг нозик, қўпчилик илгамидиган жиҳатлари тилга олинди.

Очиги, бир гуруҳ мулкдорлар қатори менга ҳам эътибор қаратиб, “Шухрат” медалига муносиб қўрилганим Асакада роса шов-шув бўлди. Ижтимоий тармоқлар тадбирлару мактовлардан портлади, гўё, Рост, ҳар қанча босиқ бўлсангиз ҳам,

юксак эътибордан тўлқинланиб кетар экансиз...

Фаолиятимизга тўхталсак, Асака қирларидаги 58 гектарлик паррандачилик фабрикасидада бугун 877 минг бош парранда боқилмоқда. Утган қисқа даврда 118 миллилард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик ва экспорт ҳажми 800 минг доллардан ошди.

Президентимизнинг халқчил сийсатига ҳамоҳанг бўлиб, ҳадемай Қорақалпоғистонда филиалимизни очамиз. Мақсад — қўшимча равишда 200 минг бош парранда боқиш, экспорт салмомини эса шу йилнинг ўзига бир ярим бараварга ошириш. Бу Президентимиз меҳрига бизнинг жавобимиз бўлади.

Шухратбек АЛИЕВ,
Асака туманидаги «Боракса ҳамкор парранда» хусусий корхонаси раҳбари, «Шухрат» медали соҳибчи.

ВАШИНГТОНДА 1 СЕНТЯБРЬ — «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 34 ЙИЛЛИГИ КУНИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

АҚШ пойтахти мэри Мириел Баузер мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллиги муносабати билан 1 сентябрь санасини Вашингтонда “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 34 йиллиги куни” деб расман Эълон қилди.

ШУКУХ

Бу қарор нафақат юртимиз мустақиллиги, балки мустаҳкамланиб бораётган Ўзбекистон ва АҚШ алоқалари ҳамда Вашингтон шаҳридаги ўзбек ҳамжамиятига бўлган юксак эътирофдан далолат беради.

Истиқлолимизнинг 34 йилли-

лигининг 34 йиллиги куни” деб эълон қилиниши шунчаки рамзий маъно эмас, бу икки халқ ўртасидаги тобора мустаҳкамланиб бораётган муносабатларнинг юксак белгисидир. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида шаклланган яқин муносабатлар ўзаро стратегик шериклиқнинг ёрқин ифодаси бўлиб, турли соҳаларда янада кенгроқ ҳамкорликка замин яратмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан бўён, ўзининг фаол иқтисодий йўналиш белгиллаб олгани қайд этилган. Бу йўналишда жаҳон ҳамжамияти билан алоқалар-

ни мустаҳкамлаб, тинчлик, бир-дамлик ва ўзаро ҳурмат принциплари асосида кучли Ҳамият қуришга эришди.


Бундан ташқари, шаҳар мэрияси Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонасига икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш, шахслараро алоқаларни йўлга қўиш ва икки давлат ўртасида маданий алмашинувни ривожлантиришга салмоқли муваффақиятларга эришгани учун миннатдорлик билдирди.

Эслатиб ўтамиз, Қўшма Штатлар пойтахти Вашингтон 1791 йилда ташкил этилган ва Американинг биринчи Президенти Жорж

Вашингтон номи билан аталади. Вашингтонда федерал ҳукуматнинг барча уч бўлимининг асосий идоралари, жумладан, АҚШ Президентининг Оқ уйдаги қароргоҳи, кўлаб ёдгорликлар ва миллий аҳамиятга эга музейлар жойлашган. Шаҳарда юзлаб элчихоналар, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Америка давлатлари ташкилоти, Америкалараро тараққиёт банки ва Панамерика солиқни сақлаш ташкилоти қароргоҳлари жойлашган.

«Дунё» АА.

Вашингтон



Мамлакатимиз замини табиий ер ости бойликларига кон. Айниқса, олтин, қумуш, мис, уран, кўрғошин, молибден, вольфрам, темир каби кўлаб фойдали қазилмаларга жуда бой. Улар орасида қимматбаҳо металллар алоҳида ўрин эгалляйди. Асосийси, улар юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида ўзлаштирилмоқда.

Таҳлил

Айни пайтда мамлакатимизда 60 дан ортиқ олтин маъдани конлар ўрганилган бўлиб, уларнинг 40 га яқини Қизилқум чўли ҳудудида аниқлангани эътиборга моликдир. Чўни бу маъданлар Навоий кон-металлургия комбинатининг асосий хомашё захираси ҳисобланади. Кейинги пайтда мазкур конлардаги қазилма бойликларни қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш учун янги ишлаб чиқариш корхоналарини ишга тушириш, мавжудларини модернизация қилиш, комбинатнинг эса халқаро ҳамжамиятга интеграциясини чуқурлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Негаки, замоннинг ўзи барча соҳалар қатори кон-металлургия саноати корхоналари, жумладан, Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси олдида ҳам ўта долзарб вазифаларни қўймоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 1 мартдаги қарори билан тасдиқланган 2026 йилгача комбинатда қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури корхона тараққиётида янги босқични бошлаб берди. Дастур ўзининг аниқ ҳисоб-китобларга асосланганлиги, малакали муҳандис ва мутахассислар салоҳиятини юқориллиги тўғрисида қўрилган вазифаларни бажаришга муваффақ бўлиди. Комбинат тарихида қисқа вақт ичида 4 та замонавий янги ишлаб чиқариш объекти, яъни 5, 6 ва 7-гидрометаллургия заводи ҳамда 2-гидрометаллургия заводининг иккинчи навбати фойдаланишга топширилгани бунинг яққол исботидир.

Ишга туширилган янги қувватлар 2016 йилдаги қиёсанганда, тоғ жинслари қазиб олиш ҳажминини 3 баробар, маъдани қайта ишлашни 1,7 баробар, олтин ишлаб чиқаришни 32,2 фоиз, қумуш ишлаб чиқаришни 66,7 фоиз ошириш имконини берди. Бунинг натижасида комбинат жаҳоннинг олтин ишлаб чиқарувчи йирик компаниялари билан рақобатлаша оладиган замонавий корхонага айланди. Аниқроғи, ўтган қисқа давр ичида олтин ишлаб чиқариш бўйича етакчи хорижий компаниялар орасидаги 7-ўриндан 4-ўринга қўтарилиб олди.

Бугунги кунда комбинат жадал ривожланаётган тармоқ сифатида мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига муносиб



ижабий ҳулоса олинаётгани диққатга сазовор.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 2024 йилда Навоий кон-металлургия комбинатига “Fitch Ratings” ва “Standard & Poor’s” халқаро рейтинг агентликлари томонидан илк маротаба “BB-” даражадаги “Барқарор” прогнозли узоқ муддатли кредит рейтингини берилди. Агентлик комбинатнинг мустақил кредит тўлов қобилиятини (SASP) “BB+” даражасида баҳолади. Бу эса, ўз навбатида, халқаро капитал бозорига қиш имкониятини яратди. Натижада ўтган йилнинг октябр ойида Навоий кон-металлургия комбинатининг қиймати 1 млрд. АҚШ доллариллик илк халқаро облигацияларни муомалага чиқарилди. Жорий йилнинг май ойида комбинат томонидан Лондон фонд биржасига яна 500 млн. долларлик халқаро корпоратив облигациялар жойлаштирилди. Бу, шубҳасиз, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ишончдорлик билдирётган ишонч ва ижабий баҳонинг тасдиғидир.

Халқаро облигацияларнинг чиқарилиши комбинат ва мамлакатимиз учун муҳим воқелик бўлиб, юртимиз тарихида давлат корхоналари ва тижорат банклари ўртасида муваффақиятли муомалага чиқарилган энг йирик халқаро корпоратив облигациялар сифатида қайд этилди. Облигацияларни жойлаштиришдан тушган маблағлар мавжуд кредит портфелини янада қулайроқ шартларда оптималлаштириш ва диверсификация қилиш ҳисобига ҳаражатларни қисқартириш имконини бермоқда.

Айни пайтда комбинатнинг хомашё базасини ривожлантириш, асосий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, рақамлаштириш, инвестициявий жараёнларни ривожлантириш, саноат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда бошқа муҳим йўналишлар ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, комбинатнинг жаҳон молия бозорининг тенг ҳуқуқли иштирокчиси-

шаффофлигини таъминлаш мақсадида қазилмаларнинг ҳисобот стандартларига мувофиқ молиявий ҳисоботлар “Deloitte & Touch” халқаро аудиторлик компанияси томонидан аудитдан ўтказилиб, ижабий ҳулоса олинаётгани диққатга сазовор.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 2024 йилда Навоий кон-металлургия комбинатига “Fitch Ratings” ва “Standard & Poor’s” халқаро рейтинг агентликлари томонидан илк маротаба “BB-” даражадаги “Барқарор” прогнозли узоқ муддатли кредит рейтингини берилди. Агентлик комбинатнинг мустақил кредит тўлов қобилиятини (SASP) “BB+” даражасида баҳолади. Бу эса, ўз навбатида, халқаро капитал бозорига қиш имкониятини яратди. Натижада ўтган йилнинг октябр ойида Навоий кон-металлургия комбинатининг қиймати 1 млрд. АҚШ доллариллик илк халқаро облигацияларни муомалага чиқарилди. Жорий йилнинг май ойида комбинат томонидан Лондон фонд биржасига яна 500 млн. долларлик халқаро корпоратив облигациялар жойлаштирилди. Бу, шубҳасиз, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ишончдорлик билдирётган ишонч ва ижабий баҳонинг тасдиғидир.

Халқаро облигацияларнинг чиқарилиши комбинат ва мамлакатимиз учун муҳим воқелик бўлиб, юртимиз тарихида давлат корхоналари ва тижорат банклари ўртасида муваффақиятли муомалага чиқарилган энг йирик халқаро корпоратив облигациялар сифатида қайд этилди. Облигацияларни жойлаштиришдан тушган маблағлар мавжуд кредит портфелини янада қулайроқ шартларда оптималлаштириш ва диверсификация қилиш ҳисобига ҳаражатларни қисқартириш имконини бермоқда.

Айни пайтда комбинатнинг хомашё базасини ривожлантириш, асосий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, рақамлаштириш, инвестициявий жараёнларни ривожлантириш, саноат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда бошқа муҳим йўналишлар ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, комбинатнинг жаҳон молия бозорининг тенг ҳуқуқли иштирокчиси-

Жаҳонгир ҲАСАНОВ,
«Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ бош директорининг молия ва иқтисодий бўйича ўринбосари.

ОЧИҚ МУЛОҚОТ ВА ЯНГИ ИШОНЧ МАЙДОНИ

Бугунги кунда дунё микёсида иқтисодий ўсишнинг энг муҳим драйверларидан бири — тадбиркорлик. Ривожланган давлатлар ҳам, янги тараққиёт сари интилаётган мамлакатлар ҳам айнан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш орқали миллий иқтисодиётини кучайтирмоқда. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Президент Шавкат Мирзиёевнинг тадбиркорлар билан ўтказган навбатдаги очиқ мулоқоти бу йўлдаги изчил ҳаракатларнинг манتيқий давоми бўлди.

Муносабат

Мазкур тадбир нафақат мулоқот майдо-ни, балки тадбиркорликнинг жамиятдаги ўрни ва қадрини яна бир бор намоён этди. Давлат раҳбарининг Фармонига мувофиқ, бир қатор фидойи тадбиркорлар тақдирланди.

Йигилишда давлатимиз раҳбари таъкидла-ган муҳим ташаббуслардан бири — туризм со-ҳаси ва меҳмонхона бизнесини ривожланти-ришга қаратилгани бўлди. Сабаби сўнгги йил-ларда Ўзбекистонда туризм соҳаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани инобатга олиниб, келгуси уч йил да-вомида жами 5 минг гектар ер аукцион орқали тадбиркорларга тақдим этилиши режалашти-рилмоқда. Эътиборлики, меҳмонхона қурмоқчи бўлган тадбиркорлардан ер учун тўлов ўнди-рилмайди. Бу, ўз навбатида, йирик лойиҳалар-ни бошлашга қизиқаётган инвесторлар учун қўшимча имконият ва қўлай шaroит яратадиги, инвестициявий жозибадорлигини оширадиги.

Давлат бу жараёнда ўзини шерик сифа-тида кўрсатамоқда. Ёрни ер қиймати тадбир-кор зиммасига тушмасдан, айнан шу сумма давлатнинг лойиҳага улушдор сифатида ки-ришишга хизмат қилади. Бу эса, бир томон-дан, давлат ва хусусий сектор ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик механизминини яратад-ди, иккинчи томондан, туризм соҳасида янги қўшма лойиҳаларнинг пайдо бўлишига за-мин ҳозирлайди.

Шу билан бирга, тадбиркорлар ўн йил ичи-да исталган вақтда давлатнинг улушини қайта сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу эса биз-несни янада мустақил қилиш, узоқ муддатли барқарорлиқни таъминлаш имконини бера-ди. Яна бир рағбатлантирувчи механизм шун-даки, агар тадбиркор лойиҳанинг бошида ер қийматини тўлиқ тўлашни хоҳласа, унга 20 фоизлик чегирма тақдим этилади.

Давлатнинг тадбиркорга қўшимча юк эмас, балки шерик сифатида ёндашиши нафақат туризм ва меҳмонхона бизнесининг ривож-ланишига, балки умуман ҳудудларнинг иқти-содий фаоллашувиغا, янги иш ўринлари яратилишига, мамлакатимизнинг жаҳон туризм бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Шу маънода, янги ташаббусга Ўзбекистоннинг туризм салоҳи-ятини глобал даражада намоён этишга хизмат қилувчи муҳим қадам сифатида қара-лиши мумкин. Энг муҳими, ушбу масалалар Президент Фармони билан тасдиқлангани ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан V очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фар-

монининг иккинчи бандида туризм соҳасига алоҳида эътибор қаратилгани, аввало, мамла-катимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўна-лишларидан бири сифатида бу тармоқ тобора стратегик аҳамият касб этаётганини кўрсата-ди. Фармоннинг “Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда қўлайлиқлар яратиш ва ту-ризмни ривожлантириш” деб номланган бан-ди туризм соҳасини нафақат ички бозорда, балки халқаро майдонда ҳам рақобатбардош қилишга йўналтирилганини аниглайди.

Айниқса, 2026 — 2028 йилларда тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъект-ларига меҳмонхона қуриш учун 7 йилгача им-тиёзли кредитлар ажратилиши туризм соҳа-сига катта рағбат сифатида баҳоланади. Маблағларнинг ҳудудлар кесимида тақсим-ланиб вилоят марказлари, Тошкент ва Нўкус шаҳарлари ҳамда туризмга ихтисослашти-рилган туманларда 30 млрд. сўмгача, бошқа манзилларда эса 10 млрд. сўмгача кредит ажратилиши ҳудудий туризмни мувозанатли ривожлантиришга хизмат қилади.

Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати — халқ-аро майдонда нуфузли эътирофга сазовор бўлган жойлаштириш воситаларини рағбат-лантириш мақсадида йиллик 1 млн. АҚШ дол-лари миқдорига муқофот жамғармаси жорий этилишидир. Бу ташаббус, аввало, меҳмон-хоналар ва туризм объектилари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантирса, ик-кинчидан, уларнинг халқаро стандартларга мос хизмат кўрсатишини таъминлайди.

Юртбошимизнинг тадбиркорлар билан ўтказган бу галги учрашуви ҳам янги Ўзбе-кистонда тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий ислохотларни қўрқлаштириш-га янада кенг йўл очиши билан аҳамиятли-дир. Учрашувда илгари сурилган ташаббус ва таклифлар, жумладан, берилаётган солиқ имтиёзлари, молиявий энгилликлар, имти-ёзли кредитлар, божхона ва туризм соҳаси-даги имкониятлар юртимизда тадбиркорлик муҳитини эркинлаштиришга, инвестициявий ва туристик жозибадорлиқни оширишга хизмат қилади. Қолаверса, белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши нафақат ички иқтисодиётни, балки Ўзбекистоннинг минта-қавий ва халқаро бозорлардаги рақобатбар-дошлигини янада оширадиги.

Ишонамизки, янги имтиёз ва имконият-лар тадбиркорларга янги руҳ ва шижоат бахш этиб, уларнинг истиқболли лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширишга қўлай му-ҳит яратадиги.

Одилжон МАМАТКАРИМОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий
алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм
масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИ – КҮН ТАРТИБИДА

Аввал хабар берганимиздек, Олий Мажлис Сенати жойларда ёшларнинг бандлигини таъминлаш борасида қўламли ишлар олиб борапти. Шу мақсадда сенаторлар ҳудудларда бўлиб турибди.

Сенатор ва ҳаёт

Жумладан, Қорақалпоғистон Рес-публикаси Жўқориги Кенгесида Олий Мажлис Сенати Кенгашининг “Олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш чора-тадбир-лари тўғрисида”ги қарорининг мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган учрашув ўтказилди.

Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқ-ни сақлаш масалалари қўмитаси раи-си ўринбосари Орал Атанязова ушбу қарорнинг аҳамияти ҳақида батафсил тўхталди.

Таъкидланганидек, сўнгги йиллар-да барча соҳа қатори таълим йўнали-шига ҳам эътибор қаратилиб, изчил ишловлар амалга оширилмоқда. Ай-ниқса, ёшларни олий таълимга қа-мраб олиш жараёни янги босқичга кўта-рилди. Қисқа фурсат ичида Қорақал-поғистонда ҳам олий таълим муасса-салари сони ошиб, бугунги кунда улар 12 тага этди.

Янги қабул қилинган қарор ҳам олий ўқув юртлари битирувчиларини иш би-лан таъминлаш даражасини ошириш-га қаратилган бўлиб, мазкур йўналиш-да олийгоҳ ва ҳудудлар кесимида аниқ режалар тасдиқланган. Шу билан бир-га, ушбу ишларни мувофиқлаштириш мақсадида республика ишчи гуруҳи ту-зилган ҳамда қурулғи кунда жойлар-да ҳудудий ишчи гуруҳлар томонидан битирувчилар бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар ўрганилиб, таҳлил-лар асосида амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда ва қўшимча меха-низмлар жорий этилмоқда.

Яқинда келгусида амалга оширили-ши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Фаргона давлат университетидида Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хо-тин-қизлар, маданият ва спорт маса-лалари қўмитаси раиси Орзигул Қози-хонова ҳамда Фаргона вилояти ҳоки-мининг ўринбосари Шероджон Пол-вонов иштирокчида ишчи гуруҳ йиғи-лиши бўлиб ўтди.

Унда олий таълим муассасалари-нинг битирувчиларини иш билан таъ-минлаш масаласи муҳокама қилинди. Бунда замонавий меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган мутахас-сисларни тайёрлаш, янги иш ўринла-ри яратиш ҳамда олий ўқув юртлари

ва иш берувчилар ўртасидаги ҳамкор-лиқни кучайтириш борасида фикр ал-машилди.

Таъкидланганидек, жорий йилда вилоятдаги олийгоҳларда ўқишни 1 778 нафар ёш мутахассис тамомла-ди. Уларнинг бандлигини таъминлаш эса ҳудудий устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Шу мақсадда амалиёт дастурлари-ни такомиллаштириш, таълим жара-ёнларини амалий машғулотларга йўналтириш ҳамда бизнес ҳамжамия-ти билан ҳамкорликни кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Йигилиш якунида вилоят ҳокимли-ги ҳузурида махсус таъдид тузилди ҳамда масъул идора ва ташкилотлар-га битирувчиларни иш билан таъмин-лаш бўйича аниқ амалий чора-тад-бирлар қўриш вазифаси белгилаб бе-рилди.

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Сайёра Абдикаримова ҳамда халқ депутатла-ри Хоразм вилояти Кенгаши раиси Ол-тибой Ражабов Янгиарик туманида ташкил этилган олий таълим муасса-салари битирувчиларининг бандлиги-ни таъминлаш масалаларига бағиш-ланган ишчи гуруҳ штабида бўлиб, би-тирувчи ёшларни ишга жойлаш йўна-лишида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Маълумотларга кўра, шу кунларда туманда 600 нафар ишсиз битирувчи мавжуд. Уларнинг бандлигини таъмин-лаш мақсадида туманда бир қатор амалий чора-тадбирлар қўрилган. Жумладан, бўш иш ўринлари ярмар-каси ўтказилиб, унда корхона ва таш-килотлар фаол иштирок этган ҳамда ишларга иш ўринлари тақлиф қили-ниб, ҳуқуқий маслаҳат ва тавсиялар берилган.

Шунингдек, ёшларни тадбиркорлик-ка жалб этиш, давлат дастурига орқали қўллаб-қувватлаш, меҳнат бо-зоридида талаб қўриб бўлган соҳалар бўйича қайта тайёрлаш ва малака оши-риш курсларига юбориш ишлари йўлга қўйилди.

Тумандаги корхона ва ташкилотлар раҳбарларига битирувчи ёшларни му-тахассислиги бўйича ишга қабул қилиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таъ-лим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси Гулнора Маъруфова халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кен-гаши депутатлари, тегишли ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, шунинг-дек, жамоатчилик вакиллари иштиро-кида учрашув ўтказди.

Мулоқот давомида олий таълим му-ассасаларини тамомлаётган ёшларни иш билан таъминлаш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат бозори эҳтиёжларига мос кадрлар тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш масала-лари атрофлича қўриб қилди.

Учрашувда бугунги кунда Тошкент шаҳрида 90 та олий таълим муасса-саси фаолият юритаётгани ва жорий йилда уларни 76,7 минг йигит-қиз битиргани, улардан 24,5 минги пой-тахтда доимий истиқомат қилиши таъкидланди.

Мазкур жараёни тизимли ва са-марали ташкил этиш мақсадида Сен-ат Кенгаши томонидан туман ва ша-ҳар даражасида махсус ишчи гуруҳ-лар тузилган. Улар зиммасига бити-рувчиларнинг иш топишига қўмак-лашиш, шу жумладан, бўш иш ўрин-лари рўйхатини шакллантириш, яқка тартибда суҳбатлар ўтказиш ва банд-лиқни таъминлаш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан аниқ вазифалар юклатилган.

Шу мақсадда Сенат Кенгаши қаро-ри асосида Ҳаракатлар схемаси ишлаб чиқилган бўлиб, унда амалга оширилмадиган механизм, масъуллар ва ихро муддатлари аниқ белгилангани айтилди.

Самарқанд вилояти ҳокимлигида Олий Мажлис Сенатининг Фан, таъ-лим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Баҳром Абдуллаев раҳбарлигида ишчи гуруҳ йиғилиши бўлиб ўтди.

Ёшлар бандлигини таъминлаш учун шарт-шaroитлар яратиш, уларнинг касбий имкониятларини рўёбга чиқа-риш ва муваффақиятли ишга жой-лаштириш масалалари йиғилиш иш-тирокчилари диққат марказида бўлди.

Хусусан, замонавий меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, янги иш ўринлари яратиш юзасидан фикр алмашилди.

Таъкидланганидек, жорий йилда Самарқанд вилоятидаги олий таълим муассасаларини 2 899 нафар ёш му-тахассис битирди. Уларни иш билан таъминлаш масаласи муҳим ва усту-

вор вазифалардан бири сифатида бел-гиланган. Шу муносабат билан таъ-лим жараёнини амалиётга уйғун-лаштириш, ўқув дастурларини ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мос равишда қайта қўриб чиқиш, бўлажак мутахас-сисларнинг малакавий тажрибасини оширишга қаратилган амалий машғу-лотларни қўпайтириш, шунингдек, биз-нес ҳамжамияти, хусусий сектор ва иш берувчилар билан самарали ва узвий ҳамкорликни янада кенгайтириш за-рурлиги алоҳида таъкидланди. Бу эса, ўз навбатида, битирувчиларнинг меҳ-нат бозоридида рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Йиғилиш якунида масъул идора ва ташкилотларга битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш бўйича аниқ амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга таъбиқ этиш вазифа-лари юклатилди.

Наманган вилоятида ҳам республи-ка ишчи гуруҳининг олий таълим му-ассасалари битирувчилари бандлиги-ни таъминлаш, уларни меҳнат бозо-рига самарали жалб этиш ва касбий салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш ма-салаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисо-дий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Одилжон Маматкаримов, вазирик ва идоралар мутоасаддила-ри, маҳаллий давлат ҳокимияти орган-лари, таълим муассасалари раҳбар-лари ҳамда тадбиркорлик субъектла-ри вакиллари иштирок этди.

Мулоқот чоғида битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш, уларга меҳ-нат бозоридида талаб қўриб бўлган му-тахассисликлар бўйича иш тақлиф қилиш, ёшларни тадбиркорликка жалб этиш ҳамда давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, ҳудудларда иш ўринлари яратиш, иш берувчилар ва олий таълим муассасалари ўртасида доимий мулоқотни таъминлаш, стажи-ровка ва амалиёт дастурларини кен-гайтириш, меҳнат бозоридида талаб ва тақлифи мувофиқлаштириш бўйи-ча аниқ вазифалар белгиланди.

Йиғилиш якунида масъул идоралар ва маҳаллий ҳокимият мутоасаддила-рига битирувчилар бандлигини таъ-минлаш бўйича комплекс чора-тадбир-ларни амалга ошириш юзасидан те-гишли тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».



Жиззас шаҳридаги Зилол маҳалласида хусусий тадбиркор томонидан янгидан қурилаётган кўп қаватли уйлардан бири қўлаб тушди...

Қарши шаҳрида янги қурилаётган меҳмонхона конструкцияси қулаши оқибатида бир ишчи ҳалок бўлди. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳодисадан сал ўтмай ушбу объект ноқонуний қурилиш бўлгани ҳақида расмий баёнот эълон қилди...

Самарқанддаги 12 қаватли бино бузилмоқда. Суд бино шаҳарсозлик ҳужжатларисиз ноқонуний қурилгани боис уни бузиш бўйича ҳукм чиқарган...

Юқорида тилга олинган ҳодисалар мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, турли вақт оралиғида содир бўлган ва... давом этапти. Табиийки, бу қурилишлар айнан бир ташкилот томонидан амалга оширилмаган. Аммо уларни боғлаб турадиган бир жиҳат бор: қонунларга риоя қилмаслик, қурилиш тартиб-таомилларини назарга илмаслик ва кўзбўямачилик.

Сенат муҳокамасидан сўнг...

Сифатсиз уйлар, ҳақли эътирозлар

Кейинги йилларда қурилиш индуст-риясини ривож янги босқичга кўтарилиб, ушбу соҳа миллий иқтисодиётимизнинг драйверларидан бирига айланди. Сўнгги саккиз йил давомида қурилиш ишлари ҳажми бир неча баробар ортиб, 2016 йил-даги 30 трлн. сўмдан 2024 йилда қариб 234 трлн. сўмга етгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Утган йили юртимизда 40 млн. 500 минг квадрат метр бино ва иншоот қурилган бўлса, жорий йилда ушбу рақам 45 млн. квадрат метрдан ошиши кутилмоқда.

Амалга оширилаётган ишларга қара-масдан, шаҳарларни жаҳон стандартла-ри асосида ривожлантириш, қурилиш ишларини самарали ташкил этиш ҳамда аҳолига муносиб яшаш шaroитларини яратиш соҳасида ҳал қилишни лозим бўлган айрим муаммолар ҳамон сақла-ниб қолмоқда.

Айниқса, ушбу соҳада белгиланган қонун-қоидаларга ҳар доим ҳам бирдек амал қилинмаётгани аҳолининг ҳақли эътирозларига ва жамоатчилик орасида қизгин муҳокамаларга сабаб бўлаётгани сир эмас. Қурилишлар сабаб яшил май-донлар қамайиб кетаётгани, дараклар ноқонуний кесилаётгани билан боғлиқ ҳолатлар бот-бот тилга олинмоқда.

Шу йил 16 июнь куни Президентимиз раислигида амалга оширилаётган исло-хотлар натижадорлиги, ҳудудларда иш-ларнинг бориши, аҳолини ўлантираёт-ган масалаларга ечим топиш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам ушбу соҳадаги муаммолар тилга олинган эди.

Унда масаланинг анчайин жиддий ва долзарблиги сабаб Президентимиз масъ-улар яшил ҳудудлар, одамлар тоза ҳаво-га чиқиб ўтирадиган жойлар, спорт май-дончалари, фаввораларни қўпайтиришга етарлича эътибор қаратаётганини, мав-жудлари ҳам қурилиш учун бериб юбо-рилганини танқид қилган эди.

Ақсарият ҳолларда бундай муаммолар-дан оддий аҳоли зиён кўрапти. Бошла-нага эга бўлиш илинжида йиллаб териб-тергаган пулини бир фирмابгарга қўшқўллаб топшириб, оқибатда уйсиз қолаётган юртдошларимиз ҳам йўқ эмас...

Парламент сўрови: саволлар кўп...

Мана шундай ҳолатларни ҳисобга ол-ган ҳолда Олий Мажлис Сенатининг яқин-да бўлиб ўтган тўққизинчи ялғи мажли-сида ҳудудларда инфратузилмани ривож-лантириш ва қурилишларни тартибга со-лиш бўйича қурилаётган чоралар юзаси-дан Вазирлар Маҳкамасига парламент

сўрови юбориш масаласи муҳокама қилинди.

Мажлисида сенаторлар томонидан ай-рим ҳудудларда мазкур соҳага оид қонун ҳужжатларига тўла риоя қилинмаётгани, айниқса, кўп қаватли уйларга туташ ҳудуд-ларда ўзбошимчалик билан, ноқонуний равишда қурилиш ишларини амалга оши-риш, умумий фойдаланиш жойларини тўсиб олиш ҳолатларининг олдини олиш-га қаратилган чора-тадбирлар талаб да-ражасида эмаслиги таъкидланди. Сенат-нинг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси аъзолари ўрганишлари натижа-сида қурилишларда юз бераётган қонун-бузилиш ҳолатлари бўйича аниқланган фактлар келтирилди.

Хусусан, 2024 йил ва 2025 йилнинг ўтган даври мобайнида кўп квартиралы уйларнинг техник ҳолати билан боғлиқ 8 мингдан ортиқ қонунбузилиш ҳолатлари содир этил-ган. Шундан 431 та таянч конструкция, 2,6 мингта тўсиқ конструкция бузилган, 3,3 мингдан ортиқ кўп квартиралы уйларга туташ майдонларда ноқонуний қурилмалар қурилган. Қурилиш соҳасига оид қонун ва қоидаларга риоя этилмаганлиги оқибатида 2024 йил ва 2025 йилнинг ўтган даври давомида фуқаролик судларида қўрилган ўзбошимчалик би-лан қурилган уй-жой ёки бошқа қурилма-ларни бузишга доир 11 мингдан ортиқ иш-лардан 8,3 мингтаси ёки 75 фоиз қаноат-лантирилб, ноқонуний қурилмаларни бузиш тўғрисида қарорлар қабул қилинган.

Яқинда Тошкент шаҳрида 60 га яқин кўп қаватли уй-жойлар қурилиши тўхта-тилгани эълон қилинди. Сабаби қурувчи ташкилотлар ишни қонун талабларига риоя этмасдан, экспертиза ҳулосалари ва бошқа зарур ҳужжатларсиз бошлаб юборган.

2023-2024 йилларда кўп квартиралы уйлар қурилишида лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишдан тортиб фойдаланишга топширишгача бўлган жараёнларда 5,5 мингта ҳолатда қонунчилик талабла-ри бузилган.

“Мендан кетгунча, эгасига етгунча” қабиллада иш тутган айрим хусусий қури-лиш ташкилотларининг мақсади ҳалол бизнес билан шуғулланиш эмас, балки қандай йўл билан бўлмасин, бойлик орттириш эканлиги аён бўлиб қоляпти. Бу йўлда улар энг арзон ва сифатсиз маҳсу-лотлардан фойдаланиб, кўзбўямачиликка-ча бориб етятьптилар. Аммо уларнинг на-зорати билан шуғулланидиган ташкилот-лар қаерга қараяпти? Наҳотки, улар би-ноларни қабул қилгунларича бундай сох-такорликларни аниқлай олмаган бўлса?..

Сенат қўмитаси ишчи гуруҳи ўрганиш-ларига кўра, 102 та кўп квартиралы уй қурилишида сифатсиз ва лойиҳа ҳужжат-ларида кўрсатилган русумдан паст мус-тахкамликдаги бетон мате-риаллари ишлатилган.

Қурилиши якунланмас-дан топширилган ёки ша-ҳарсозлик норма ва қоида-ларига зид қурилган 74 та объект Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси-да назорат қилиш инспек-циясида ҳеч қандай эъти-роз уйғотмаган. Масалан, Яшнобод тумани, Паркент кўчасидаги 9 қаватли 182 квартирга эга уй “First Developing Group” МЧК то-монидан ўта сифатсиз қурилган бўлса-да, фойда-ланишга қабул қилинган. Оқибатда хонадон сотиб олган 102 нафар фуқаро-нинг ҳаёти хавф остида қол-ган ва улар ҳақли эътироз билан масъул идораларга мурожаат этган.

Бундан ташқари, архи-тектура-шаҳарсозлик кен-гашларининг фаолият юритиш тартиби тўлиқ электрон тизимга ўтказилмагани-ги сабабли 185 та ҳолатда объектлар-нинг лойиҳа ҳужжатларига чегаралар ва муҳофаза жойлари, яшил ҳудуд, автоту-раргоҳ ва болалар майдони ташкил этиш-га оид талаблар ҳисобга олинмасдан ижо-бий ҳулоса берилган. Хусусан, яна ўша Яшнобод туманида салкам 5 гектар май-донда кўп қаватли турархўй объекти қурилиши бўйича лойиҳа-смета ҳужжат-ларида қатор жиддий хато ва камчилик-лар бўлса-да, уларга кўз юмилган.

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидала-рига кўра, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган кўп қаватли турар-жой биноларида 1 та хонадон ҳисоб бир-лигига 1 та автотураргоҳ бўлиши зарур-лигига қарамасдан лойиҳа ҳужжатида ушбу норма тўлиқ инобатга олинмаган (норма бўйича 3 415 та автомобилга мўлжалланган автотураргоҳ бўлиши керак бўлса, лойиҳада 2600 та режалаштирил-ган). Болалар ўйин майдонлари бўйича белгиланган метёёрларга (1 киши учун 1,5 квадрат метр) ҳам амал қилинмаган.

Айрим ҳолларда лойиҳа ҳужжатлари-га нотўғри ва ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар киритилган. Масалан, лойиҳада яшил ҳудуд ва йўл сифатида кўрсатилган жойлар амалда аҳоли яшаб турган хонадонлар ҳудудига тўғри келган.

Кўп қаватли уйлар ўртасидаги оралик ва ташқи ҳудудга бўлган масофалар белгиланган талабларга зид равишда бир неча баробар қисқартириб лойиҳа-лаштирилган — қамиди 58 метр бўлиши керак бўлган жойда 20 метр масофа қолдирилган.

Шунча хато ва камчиликлар борлиги-га қарамасдан ҳудудий архитектура-ша-ҳарсозлик кенгаши бундай лойиҳалар юзасидан ижобий ҳулоса берганини қан-дай тушуниш мумкин?

Энг муҳими, ақсарият лойиҳалар шу ҳудудда яшайдиган аҳоли ўртасида муҳо-кама қилинмаган ва жамоатчилик экс-пертизасидан ўтказилмаган. Ваҳоланки, 2019 йил 13 декабрда қа

МИЛЛИЙ РАҚАМЛАШТИРИШ СИЁСАТИ ИНСОНГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Замонавий цивилизация ҳозирда миқёси бўйича саноат инқилобига тенг келадиган, аммо шиддати ундан ҳам улкан трансформацияни бошдан кечирмоқда. Рақамлаштириш ва сунъий интеллект — бу шунчаки янги технологиялар ёки иқтисодиётнинг янги тармоқлари эмас, балки тамоман янги яшаш муҳити, ишлаб чиқариш, мулоқот, бошқарув ва воқеликни англашнинг янги усули. Улар инсоният ҳаётининг кундалик оадатларидан тортиб глобал молиявий оқимлар, соғлиқни сақлаш тизимлари ва шахсий идентификациягача бўлган босқичларни ўзгартирмоқда.

Мушоҳада

Янги реалликда миллий суверенитет, иқтисодий рақобатбардорлик ва ижтимоий фаровонлик эндиликда фақат катта ҳудудлар, фойдалми қазилма захиралари билан эмас, балки давлат ва жамиятнинг маълумотларни самарали равишда яратиши, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиши, шунингдек, интеллектуал машина алгоритмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш қобилияти билан белгиланади. Бу соҳаларнинг бозор механизмларига асосланган ривожланиши, албатта, яхши. Бироқ у рақамли тафовутга, технология қарамлиққа, ижтимоий тенгсизликнинг кучайишига ва илгари мавжуд бўлмаган янги таҳдидларнинг юзга келишига ҳам сабаб бўлади. Шу боис рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш бўйича кенг қамровли, пухта ўйланган ва миллий ҳарақатлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳар бир давлат ол-

ларнинг ҳаракатлантирувчи омилига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги сиёсати ва етакчилиги топшириқларда эмас, балки мамлакат IT-ландшафтини қисқа муддат ичида тубдан ўзгартирган аниқ, инқилобий қарорларда ўз ифодасини топди. Айнан Президент ташаббуси, назорати ва қўллаб-қувватлаши билан миллий IT-парк яратилди. Унинг резидентларига жуда катта имтиёзлар берилди. Натижада IT-парк — Ўзбекистон янги иқтисодиётининг рами ва “таширф қорғоғи”га айланди.

Бугунги кунда фуқаролар Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан фойдаланмоқда. Бу платформани яратишдан асосий мақсад — давлат ва барча амалдорлар фуқароларга қулай бўлган усулда хизмат кўрсатишини ташкил этиш. Бугун бунга эришилди. Мана шундан инқилобий ўзгариш Президентнинг адолатли, инсонпарвар сиёсатининг ёрқин далилидир.

Президент мактаблари, “Бир миллион дастурчи”, “Бир миллион ахборот технологиялари соҳаси мутахассиси”. Давлатимиз раҳбарининг муаллифлигидаги мана шундай ўзига хос инновацион лойиҳалар бизга миллионинг асл бойлиги ақл-заковат ва ижодкорликда эканлигини чуқур аниқлатмоқда. Президентимиз қисқа муддатли фойдага эмас, балки узоқ муддатли инсон капиталига сармоя киритмоқда. Шу орқали келгуси ўн йилликлар-

Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси раиси.

АДОЛАТЛИ СОЛИҚ ТИЗИМИ — ТАРАҚҚИЁТ УЧУН КАФОЛАТ

Ҳар бир ривожланаётган мамлакатда адолатли солиқ тизими — иқтисодий барқарорлик, тадбиркорлик ривожини ва Давлат бюджетининг асосий таянчи ҳисобланади.

Фикр

Тадбиркорлар кунда, аёнаана кўра, бизнес ҳамжамияти билан мулоқот қилган Президент Шавкат Мирзиёев тадбиркорлик субъектлари учун амалга оширилган ишлар ва бир қатор янгилкларни айтиб ўтди. Бунда амалдаги тартибга биноан, йиллик айланмаси 10 млрд. сўмдан ошган корхоналар фойда солиғи бўйича аванс тўлагани учун айланма маблағ масаласида қийинчилик юзга келаётгани айтиб ўтилди. Тажриба шуни кўрсатадики, корхона йил охирида фойда олиш ёки йўқотишга учраши аниқ бўлмаса ҳам, дастлабки маълумотларга асосан солиқ тўлайди. Ушбу солиқ ҳақиқий даромаддан олдин тўлангани сабабли янги очилган корхоналар, айланма маблағлари катта, лекин реал даромади кам бўлган бизнеслар, инвестиция қилган лойиҳалар вакиллари мазкур шартдан қисман норози эди. Шу боис энди ушбу тартиб қақатгина йилга 20 млрд. сўмдан юқори айланмага эга корхоналар учун амал қилиши ва бунинг натижасида 14 мингга яқин тадбиркорлар

ихтиёрида қўшимча 1 трлн. сўмлик айланма маблағ қолиши айтиб ўтилди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари қўшимча қиймат солиғи ставкасининг 12 фоизга туширилгани ҳисобига солиқ режимида ишлаётган тадбиркорлар сони кўн сайин кўпайганилиги, лекин ҳали қўлчилик қўшимча қиймат солиғига ўтса, ҳисоб-китоб қийинлашиши, харажат ошишидан шубҳа қилаётганини таъкидлаб ўтди. Бундан кейин айланма солиқдан қўшимча қиймат солиғига ўтадиган корхоналарнинг бир йил давомида фойда солиғи тўлашдан озод этилиши, ҳисоботида ҳатоллик бўлса ҳам жарима қўлланмаслиги, бухгалтерлар маошининг 5 млн. сўмгача бўлган қисми олти ойгача бундай корхона тўлаётган солиқдан чегириб ташланиши тадбиркорлар учун қулай имконият сифатида қаралмоқда.

Айниқса, 1 ноябрда қадар тадбиркорларимизга барча хато ва камчиликларни ихтиёрий равишда тўришлаш имкони берилиши ва шу санадан сўнг биз- нес вакиллари тадбиркорлик реитингини “тоза саҳифадан” бошлаши қайд этилди. Икки йил олдин айланмадан солиқ тўловчилар бухгалтериясини солиқчи юригдаган тизим жорий қилиниши — содда-

лашган солиқ ҳисоб-китоблари, вақт ва ресурс тежамкорлиги, жарималар ва хато қамайишга, текширувлар сонининг қисқаришига, солиқ интизоми- нинг яхшиланиши ва рақамли технологияларни кенг жорий этишга олиб келди. Энди хизматлар қўлми- ни кенгайтириш ва келгуси йилдан ер, мол-мулк, ижтимоий ва даромад солиқлари ҳисоботларини шакллантириш бўйича тадбиркорлар мажбурияти бе- кор қилиниши, ушбу ҳисоботларни солиқчиларнинг ўзи бепул тўлдириб беришлари бўйича аниқ кўрсат- малар берилди. Агар ҳисоботга тузатиш киритиш талаб этилса, тадбиркорлар учун 5 кунда тўришлаш имкони борлиги ҳам қўллаб-қувватланди.

Адолатли солиқ тизими — бу давлат ва бизнес ўртасидаги ишонч пойдевори. Унинг асосий мақса- ди солиқ тўлашни қийинлаштириш эмас, балки оддий, тушунарли ва мақбул қилишдир. Тадбиркорлар учун қулай ва адолатли солиқ муҳити яратилса, у фаол ривожланиди, давлат эса барқарор бюджетга эга бўлади.

Бахтиёр АРТИҚОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА БОР КУЧ-ҚУВВАТИМИЗНИ АЯМАЙМИЗ

Давлат раҳбари билан ҳар йили бир неча юзлаб тадбиркорларнинг бево- сита мулоқоти ва масаланинг жойида ечилиши халқаро амалиётда жуда кам- дан-кам учрайдиган ҳодиса. Ўзбекистонда ана шундай жонли ва самимий му- лоқотнинг беешини маротаба ўтказилганининг иқтисодий, сиёсий, илмий ва ҳуқуқий аҳамияти нихоятда улкан.

Барчамиз гувоҳи бўлганимиздек, шу йил 20 август кuni Президентимиз- нинг тадбиркорлар билан бўлиб ўтган очик мулоқотида иқтисодиётимизнинг таянчи бўлган, катта куч — тадбиркорлар ҳамжамияти учун навбатдаги жуда муҳим имкониятлар ва имтиёзлар эълон қилинди.

Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

“Бизнесни 15 дақиқада бошлаш” та- мойилидан тортиб, Инвестиция кодекси- ни қабул қилишгача бўлган жуда кўплаб янгилкларнинг минглаб тадбиркорларимиз учун тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бу так- лиф ва ташаббуслар иқтисодий тараққиё- тимизнинг навбатдаги босқичининг тизим- ли масалаларини ечиб берди.

Шу ўринда савол туғилади: ҳўш, Ўзе- бкистоннинг саккиз йил аввалги тадбирко- ри билан бугунги тадбиркорининг фарқи қандай? Аввало, айтиш керакки, ўтган қисқа даврда давлатимиз раҳбарининг та- шаббуси билан мамлакатимизда шиддат- ли ишбилармонлик руҳи ўйғонди. Бир вақтлар кўркўш ва саросима билан иш бошлаган тадбиркор бугунги кунга келиб катта куч ҳамда гайрат, ҳаётбағиш илҳом билан бу соҳага қадам қўймоқда. Халқи- мизнинг эса тадбиркорга меҳри, ишончи ва ҳурмати ошмоқда.

Албатта, бундай натижаларга осонлик билан эришилгани йўқ. Қўйида амалга оширилган тардрий ишлохотларнинг энг муҳимлирига тўхталиб ўтаск.

Дарҳақиқат, ўтган қисқа муддатда иқти- содиётнинг молиявий барқарорлашувига эришилгани, институционал ўзгаришлар амалга оширилгани, иқтисодиётнинг за- монавий тармоқларига асос солингани, кичик ва ўрта бизнес ривожини учун қули туртки бериувчи янги механизмларнинг ишга солингани мамлакат иқтисодиётининг қиёфасини ўзгаришиб юборди.

Бунн 2016 йилда Ўзбекистонда 250 минг атрофида тадбиркорлик субъек- ти фаолият юритган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич қарийб 600 мингга ет- гани мисолида кўриш мумкин. Яъни сўнгги саккиз йилда тадбиркорлар сони икки ярим баробардан кўпроқ ошди. Бу ўсиш- нинг асосий сабабларидан бири бизнесга яратилаётган имкониятлардир.

Ортиқча бюрократия ва ҳужжатбозлик барҳам топди. Солиқ турлари қисқарти- рилди, ставкалар пасайтирилди. Аҳоли ва тадбиркорлардан 120 турдаги ҳужжатлар- ни талаб этиш бекор қилиниб, яна шун- ча лицензия рақамлашди. Биргина ўтган йили 16 турдаги лицензия ва рухсатнома бекор қилинди, натижада тадбиркорлар-

биркор” кўкрак нишонлари билан тақ- дирланмоқда. Бу эса соҳага бўлган дав- лат эътиборининг амалий ифодасидир.

Мамлакатимиз раҳбарининг тадбир- корлар билан очик мулоқот шаклидаги навбатдаги учрашувининг Янги Тошкент- да ўтказилгани ҳам унга ўзгача маъно ва мазмун бахш этди. Чунки Янги Тош- кент, Президентимиз айтганидек, “исло- хотларимиз ҳаётда қандай ақс этаётга- нининг яққол исботи, янгиланиш ва та- раққиёт йўлидаги дадил қадамларимиз- нинг ёрқин тимсоли” бўлиб қолмоқда.

Бизнес учун янги шароитларни яратиб бериш йўлидаги ҳаракатлар бу йил ҳам давом этаётганини кўриш мум- кин. Давлатимиз раҳбари томонидан уч- рашувда давлат улуши бўлмаган корхо- наларга экспортда муддати ўтган қарз- дорлик учун жарима ҳисоблаш ва унди- ришга бир йиллик “мораторий” эълон қилиниши, ҳудудларда саноат инфрату- зилмасини яхшилашга бу йил 1,7 трлн.

Ортиқча бюрократия ва ҳужжатбозлик барҳам топди. Солиқ турлари қисқартирилди, ставкалар пасайтирилди. Аҳоли ва тадбиркорлардан 120 турдаги ҳужжатларни талаб этиш бекор қилиниб, яна шунча лицензия рақамлашди. Биргина ўтган йили 16 турдаги лицензия ва рухсатнома бекор қилинди, натижада тадбиркорларнинг 350 млрд. сўмлик харажатлари тежалди. Бизнес очши жараёни қисқа вақт ичида амалга ошириладиган содда тизимга айланди.

сўм, кейинги йилда эса 2,1 трлн. сўм ажратилиши айтилди. Буларнинг бар- часи Ўзбекистон етакчиси бизнес учун, тадбиркорлик учун нихоятда катта им- кониятлар эшигини очиб бераётганини кўрсатади.

Тадбиркорликка берилаётган бундай эътибор, албатта, натижасини кўрса- ди. Ўтган саккиз йилда амалга оширил- ган қаттиқ меҳнат натижаси ўлароқ иқтисодиётимизнинг қўллаб тармоқла- ри йўқдан бор қилинди. Бу даврда тур- ли соҳаларга 230 млрд. доллар ин- вестиция кириб келди, шундан 120 млрд.дан ортиғи хорижий сармоя эканлиги амалга оширилган катта меҳ- нат самарасидир.

Президентимиз бошчилигидаги праг- матик сиёсат туфайли, бу йил биринчи ярим йилликда Ўзбекистон иқтисодиё- ти 7,2 фоиз ўсди. Эътиборлики, Ўзе- бкистон бундай натижаларга жохон иқти- содиётни турли низо ва зиддиятлар ту- файли ғоят мураккаб даврни бошидан ўтказаятган бир вақтда эришмоқда.

Мулоқотда инвестициявий муносабат- ларни тартибга солиш, сармоядорлар

га мўлжалланган фаровонлик пойде- вори қўйилмоқда.

Ўзбекистон етакчисининг қатъияти билан мамлакатимиз рақамли транс- формациянинг халқаро майдонига чикди. Тошкент соҳадаги нуфузли халқаро форумларга мезбонлик қил- моқда. Бу воқеликлар мамлакатимиз- ни минтақавий IT хаб ва глобал ра- қамли кўн тартибининг жиддий ишти- рокчисига айлантирди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг рақамлаштириш ва сунъий интеллект- ни ривожлантириш борасидаги на- фақат миллий, балки глобал етакчи- лиги соҳага қўлган салмоқли ҳисса- си ва ўзига хос янги тизим шакллан- тиргани билан яққол кўринмоқда. У — Ўзбекистон технологик ўйғониш дав- рининг бош меъмори. Бугун рақам- лаштириш концепциядан ҳақиқатга ай- ланди. Технологик лойиҳалар инсон- парварлик мазмуни билан бойиб бор- моқда. Президент тарихан қисқа фур- сатда халқимизни тараққиёт сари етаклаб, унинг рақамли келажақда му- носиб ўрин эгаллашини таъминлашга барча кучини сафарбар қилмоқда. Бу сиёсат марказида инсон тургани учун ҳам халқаро эътирофга сазовор бўлмоқда.

Очиқ парламент МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Де- мократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси томони- дан мамлакатимизда фаолият юритаётган ма- ҳалла раислари билан мулоқот ўтказилди.

Унда депутатлар, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси мутасаддилари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари вакиллари, қўмита ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши аъзо- лари ҳамда журналистлар иштирок этди.



Учрашувда Президентимиз ташаббуси билан маҳалланинг аниқ тузилмаси шакллантири- либ, ишлотларнинг ҳал қилу- вчи бўғинига айлانгани таъкид- ланди. “Маҳалла еттилиги” ти- зимининг жорий этилиши мав- жуд муаммоларни уйма-ўй юриб, ҳал қилиш имкониятини бергани уруғланди.

Жорий йил май-июнь ойла- рида мамлакат бўйлаб маҳалла раислари сайловлари янги тар- тибда, демократик тамойиллар асосида, шаффоф ва очик муҳитда юқори савияда ўткази- лгани юзасидан маълумот берилди.

Шунингдек, “маҳалла еттили- ги” тизими вазифаларини сама-

рали амалга ошириш, маҳалла институтини қонунчилик ва ама- лиётда янада мустақамлаш ма- салалари муҳокама этилди.

Айтилганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюш- маси ҳамкорлигида соҳага оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш ва янги ташаббус- ларни илгари суриш борасида- ги ишлар изчил давом эттирил- моқда.

Маҳаллаларни ишсизлик, камбағаллик, оилавий ажралиш- лар, миграция ва жиноятчилик- дан холи ҳудудларга айланти- риш мақсадида муҳим чора-тад- бирлар рўёбга чиқарилмоқда. Ҳар бир маҳалланинг ижти-

моий-иқтисодий ҳолатини акс эттирувчи кўрсаткичлар маъ- лумотлар базасига киритилгани эътиборга молик.

Мулоқот давомида маҳалла раислари йигирмага яқин так- лиф ва масалаларни илгари сур- ди. Таклифлар, асосан, маҳал- ла фаолиятидаги муаммоларни бартараф этиш, раислар мав- кеини янада ошириш ҳамда ти- зим самарадорлигини кучайти- ришга қаратилгани эътиборга молик.

Конструктив руқда ўтган тад- бир якунида келгуси режалар юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказилиб, мавзуга оид муҳока- маларни мунтазам равишда таш- қил этишга келишиб олинди.

Олимжон МИРЗАБАЕВ, Олимжон туманидаги “Олтинсой” МФЙ раисиз:

— Маҳалламизда 6 548 нафар аҳоли ис- тикомат қилади. Кўп миллатли маҳалламизда 17 миллат вакиллари тинч-тотув ҳаёт кечир- моқда. Депутатлар билан учрашувда бу ҳақда ўз мулоҳазаларимизни билдириб, долзарб ма- салаларни ҳам кўтардик. Хусусан, оилавий аж- римлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари кўриб чиқилди. Учрашувда ушбу муаммолар- га ечим топиш мақсадида бир қатор таклиф- лар билдирилди. Оила, никоҳ билан боғлиқ қонунчиликка киритилган ўзгаришлардан хабардор бўлдик. Фикрларимизни халқ вакил- лари диққат билан тинглашди, саволларимизга жавоб олди. Бу каби мулоқотларнинг мунта- зам ўтказилиши тарафдоримиз.

Ҳусан МАЛИКОВ, ёш тадбиркор:

— Ёшим 16 да, болалигимдан ёғоч ўйма- корлиги ҳунарига қизиқаман. Унинг сир-ас- рорларини бобом ва отамдан ўрганганман. Ҳозирда “Олтинсой” МФИда ташкил этилган Ёшлар меҳнат гузарига устозларим ва тенг- дошларим билан ишлайман. Келгусида халқаро миқёсда миллий ёғоч ўймакорлиги санъатимизни кенг ёйиб, уни дунёга танита- диган тадбиркор бўлиш — энг катта орзу ва мақсадим. Депутатлар билан мулоқот чоғида улардан зарур тавсияларни олдим.

«Халқ сўзи».

Ушбу ўзгаришлар натижаси ва самарасини бугун халқаро ҳамжамият эътироф этмоқда. Хусусан, сўнгги беш йилда Иқтисодий эркинлик индексида Ўзбе- кистоннинг ўрни 48 поғонага, Гарвард иқтисодий мураккаблик индексида 28 поғонага кўтарилди. 2025 йилда Барқарор тараққиёт индексида Ўзбекистон ўз мавқеини бирданга 19 поғонага яхшилаб, 62-ўринга кўтарилганлиги қайд этилди. Бизнесни рўйхатдан ўтказиш кўрсаткичи бўйича мамлакатимиз 8-ўрин, кредит олиш имкониятлари бўйича эса 22-ўринни банд қилди.

лар пасайтирилди. Бизнес очиш жараё- ни қисқа вақт ичида амалга оширила- диган содда тизимга айланди. Шу билан бирга, лицензия ва рухсатнома тур- лари икки баробардан кўпроқ қискар- тирилди. Бундай ўзгаришлар тадбиркор- лик муҳитини анча енгиллаштирди ва кичик ҳамда ўрта бизнеснинг иқтисоди- ётдаги улуши сезиларли даражада ор- тишга олиб келди.

Ўтган даврда саноат ва инфратузил- ма соҳаларида ҳам янги корхоналар ишга туширилиб, энергетика соҳасида замонавий электр станциялари қурил- ди. Бугунги кунда Ўзбекистон, нафақат қишлоқ ҳўжалиғи махсусотлари, балки кимё, машинасозлик ва қурилиш ма- териаллари соҳаларида ҳам экспортчи мамлакатга яхшилик бормоқда. Бу эса иқтисодиётнинг тармоқлар бўйича мувозанатли ривожланишдан далолат беради.

Фермерларга экин турини эркин тан- лаш ҳуқуқи берилди. Агрокластерлар ти- зими йўлга қўйилиб, мева-сабзавот эк- спорти икки баробар орди. Ердан фой- даланиш ҳуқуқини тақдим этишда элек- трон аукционлар тизими йўлга қўйилди, очкилик ва самарадорлик таъминланди. Бугун қишлоқ ҳўжалиғи нафақат ички бо- зор эҳтиёжини қондирмоқда, балки мам- лақат иқтисодиётига валюта киритувчи етакчи тармоққа айланди.

Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш- нинг 2020 — 2030 йилларга мўлжаллан- ган стратегияси соҳадаги ишлохотларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. 2020 йилдан пахта ва галлани

Кредит битимини тузиш тақиқланган шахслар реестрини юритиш тартиби белгиланди.

ТАРИХИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ АЛОҚАЛАР ЧОРРАҲАСИ

18 — 20 август кунлари Тошкентда “Ўзбекистон, Озарбайжон ва Европа: умумий тараққиёт йўлида ҳамкорлик” мавзuida 33-йигилиш бўлиб ўтди. Жаҳон сиёсий ва иқтисодий майдонида ҳамкорликнинг аҳамияти тобора ортиб бораётган бир даврда Ўзбекистон, Озарбайжон ва Европа ўртасидаги юқори даражадаги учрашув алоҳида аҳамиятга эга.

Акс садо

Ушбу анжуман минтакавий ва халқаро миқёсда муҳим стратегик мақсадларни кўзлаши билан ҳам гоятда аҳамиятлидир. Бу Низомий Ганжавий халқаро марказининг Марказий Осиёдаги биринчи ташаббуси бўлиб, унда 20 дан орტიқ мамлакатларнинг собиқ давлат ва ҳукумат раҳбарлари, нуфузли сиёсий ва ишбилармон доиралар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, шунингдек, Ўзбекистоннинг юқори мартабали расмий шахслари жамланди. Глобал трансформациялар, жумладан, технология ютуқлар, иқлим муаммолари ва геосиёсий иттифоқларнинг ўзгариши шароитида мулоқот, тажриба алмашиш ва ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи халқаро платформаларга ахтиёж ортиб бормоқда.

Йигилишда Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги транспорт ва савдо алоқаларини ривожлантиришда Ўрта йўлакнинг роли, экологик муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари, шунингдек, трансминтакавий ҳамкорлик учун янги имкониятлар батафсил муҳокама қилинди. Сунъий интеллектнинг минтакавий тараққиётнинг муҳим воқеаси сифатидаги роли, замонавий Ўзбекистонда амалга оширилаётган ютуқлар ва ислохотлар, мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ва унинг халқаро майдондаги мақоени мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Умуман, йигилиш замонавий глобал муаммолар ҳамда имкониятлар фониди минтака мамлакатлари ва Европа ўртасида конструктив мулоқот, янги шериклик алоқаларини ўрнатиш ҳамда ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш учун платформа яратишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбарининг учрашув иштирокчиларига йўллаган табригида қайд этилганидек, Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ ўртасидаги ўзаро боғлиқлик масалалари, ушбу икки йirik минтақанинг Европа билан ҳамкорлик истикболлари анжуманнинг бош мавзуси этиб белгилангани гоят муҳим. Биз буни ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик жараёнлари жадаллашиб бораётган Марказий Осиёни жаҳонга янада кенгроқ таништириш, минтақалараро ўзаро боғлиқлиқни мустаҳкамлаш, шунингдек, Ўзбе-



кистон ва Озарбайжоннинг салоҳият ҳамда имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш юзасидан фикр алмашиш учун ноёб ёндашув деб баҳолаймиз.

Ўзаро ишонч ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш руҳида

Сўнгги йилларда Озарбайжон билан Ўзаро ишонч ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш руҳидаги муносабатларимиз фаол ривожланмоқда, иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланди, Давлатлараро олий кенгаш фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга, Озарбайжон Марказий Осиё ва Европани боғлашда стратегик кўприк вазифасини бажариб келаётганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

Айни пайтда Европа билан муносабатларимиз ўзининг мутлақо янги ривожланиш даврини бошидан кечираётир. Хусусан, 2025 йилнинг апрелида юртимизда илк бор “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” саммити ўтказилди. Унда минтақамиз ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасида стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисида тарихий қарор қабул қилинди. Яқин ойларида Европа Иттифоқи билан кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон ЕИ ва бошқа шериклари билан биргаликда самарали транспорт-логистика ва энергетика йўлакларини ривожлантириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни давом эттиряпти. Ушбу чора-тадбирлар минтақамизнинг Фарб ва Шарқ ўртасидаги хаб сифатидаги ролини қайта тиклаш имконини беради. Ўзбекистоннинг, хусусан, Марказий Осиёнинг ЕИ билан муносабатларида “яшил” энергетика ва экологик барқарорликка йўналтирилган инвестициялар стратегик аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасидан Европага электр энергиясини етказиб бериш бўйича

халқаро лойиҳани тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Бунда Озарбайжоннинг транзит ва боғлиқлиқни таъминлаш борасидаги ўрни муҳим.

Дарҳақиқат, Марказий Осиё мамлакатлари иштирокида амалга оширилаётган Каспий ва Қора денгизлари орқали Европага “яшил стратегик йўлак” барпо этиш лойиҳасида ҳамкорлик учун улкан салоҳият мавжуд. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши ўзаро манфаатли энергетик боғлиқлиқнинг мустаҳкам асосини яратди. Айни пайтда Ўзбекистон ва минтақадаги бошқа давлатлар қайта тикланувчи энергетика салоҳиятини фаол кенгайтирмоқда.

Масалан, фаолият юритаётган 14 та янги қуёш ва шамол электр станцияларига қўшимча равишда Ўзбекистон умумий қуввати 24 минг мегаватт бўлган 50 дан ортиқ шундай лойиҳаларни амалга оширишни мақсад қилган. Яқин беш йилда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 54 фоизга етказиш режалаштирилган. Бунда ЕИ инвестициялари ва технологияларининг ўрни катта. Мазкур мақсадларга эришилса, “иссиқхона газлари” чиқиши қарийб 16 млн. тоннага қисқаради. Бу Ўзбекистон Париж келишуви доирасида “иссиқхона газлари” чиқиндисини 35 фоизга қайтариш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятнинг муддатидан олдин бажарилишига имкон беради.

Янги инвестициялар «пакети»

Яна бир муҳим йўналиш — энергетика тизимлари модернизациясида ЕИ иштирокининг кенгайтилиши уларнинг самарадорлигини оширади ва аънанавий углеводород чиқиндилари кўрсаткичини қайтаришга хизмат қилади. ЕИ айни жараёни “Global Gateway” инвестиция стратегияси орқали қўллаб-қувватлайди.

Янги инвестиция пакети доирасида “Team Europe” ташаббуси бўйича сув, энергия ва иқлим ўзгаришига оид йирик қўшимча маблағлар ажратилиши ҳамда “яшил” лойиҳаларга янада кўпроқ сармоя йўналтирилиши эълон қилинган туфайли Марказий Осиё тоза энергия марказига айланиши мумкин. Бу нафақат импортга боғлиқлиқни қайтарилади, балки улкан қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш имконини ҳам беради.

Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ минтақалари географик жойлашуви, тарихий ривожланиши ва иқтисодий салоҳияти билан ўзига хос аҳамиятга эга. Иккала минтақа ҳам Европа билан қадимдан алоқада бўлиб, бугунги кунда ҳамкорликнинг янги имкониятларини изламоқда.

Марказий Осиё ва Жанубий

Кавказ минтақаларининг ўзаро боғлиқлиги бир неча омиллар билан изоҳланади.

Биринчиси — географик жойлашув. Иккала минтақа ҳам Европа ва Осиёнинг туташган ҳудудидида жойлашган бўлиб, тарихан муҳим савдо йўлларининг чорраҳаси бўлган. Буюк Ипак йўлининг бир қисми айнан шу ҳудудлардан ўтган.

Иккинчиси — тарихий алоқалар. Иккала минтақа ҳам турли даврларда ягона империялар таркибидида бўлган (масалан, Чор Россияси, советлар иттифоқи). Бу эса иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларнинг ривожланишига замин яратган.

Учинчиси — иккала минтақа халқларининг тили, урф-одатлари ва аънаналарида ўхшаш жиҳатлар мавжуд. Бу эса ўзаро тушуниш ва ҳамкорлиқни осонлаштиради.

Тўртинчиси — иккала минтақа ҳам энергетика ресурсларига бой.

“Ўзбекистон ЕИ ва бошқа шериклари билан биргаликда самарали транспорт-логистика ва энергетика йўлакларини ривожлантириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни давом эттиряпти. Ушбу чора-тадбирлар минтақамизнинг Фарб ва Шарқ ўртасидаги хаб сифатидаги ролини қайта тиклаш имконини беради.”

Уларнинг транзит салоҳияти Европа учун муҳим аҳамиятга эга. Қувонарлиси, Марказий Осиё ва Жанубий Кавказнинг Европа билан ҳамкорлиги кўлаб соҳаларни қамраб олади.

Юқорида қайд этилганидек, Европа Иттифоқи Марказий Осиё ва Кавказ энергетика ресурсларини диверсификация қилишга қизиқиб билдирмоқда. Бу борада “Жанубий газ йўлаги” лойиҳаси муҳим аҳамиятга эга. Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ Европа ҳамда Осиё ўртасидаги транспорт йўлакларини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.

“ТРАСЕКА” лойиҳаси бу йўналишдаги ҳамкорликнинг муҳим мисолидир. Қолаверса, ЕИ Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга интилоқда. Бу борада инвестицияларни жалб қилиш, бизнес муҳитини яхшилаш ва савдо тўсиқларини олиб

Низомий Ганжавий номидаги халқаро марказ ташкил этган форум энергетика соҳасидаги ҳамкорлиқни кенгайтириш, янги лойиҳалар муҳокамаси ва инвестицияларни жалб қилиш учун майдон яратди. Бундан ташқари, Ўзбекистон, Озарбайжон ва Европа ўртасидаги сиёсий мулоқотни кучайтириш, минтакавий ҳамда халқаро муаммоларни муҳокама этиш ва умумий ечимларни топиш, турли соҳаларда ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашда муҳим платформа вазифасини ўтади. Ишонамизки, ушбу анжуман минтақа мамлакатлари тараққиёти ҳамда халқларимиз фаровонлигига хизмат қилади.

Баҳодир **ХОЛИҚОВ**, Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, профессор.

ташлаш муҳим аҳамиятга эга.

Европа Иттифоқи Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларида демократик ислохотларни қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлашга кўмаклашади. ЕИ минтақалар мамлакатлари билан терроризм, наркотрафик ва бошқа трансмилий жиноятларга қарши курашда ҳамкорлик қияпти. ЕИ Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларида таълим соҳасини ривожлантириш, талабалар ва ўқитувчилар алмашинувини қўллаб-қувватлаш, маданий меросни сақлашга кўмаклашади.

Тизимли ҳамкорлик, улкан салоҳият

Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ минтақалари Европа билан ҳамкорлик учун катта салоҳиятга эга. Энергетика, транспорт, савдо, сиёсат, хавфсизлик, таълим ва маданият соҳаларида шериклиқни ривожлантириш иккала томон учун ҳам манфаатли бўлиши мумкин.

Бирок ҳамкорлиқни муваффақиятли амалга ошириш учун мавжуд муаммоларни бартараф этиш, сиёсий барқарорлиқни таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва геосиёсий рақобатни ҳисобга олиш зарур. Фақат шундагина Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ Европа билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли шериклиқни йўлга қўйиши мумкин.

Эътиборлиси, Ўзбекистон ва Озарбайжон Марказий Осиё ҳамда Кавказ минтақаларида муҳим иқтисодий йўналишлар ҳисобланади. Европа билан ҳамкорлик ушбу мамлакатларга янги бозорларга чиқиш, инвестицияларни жалб этиш ва савдо айланмасини ошириш имконини беради. Хусусан, транспорт ва логистика соҳасидаги лойиҳалар (масалан, Транскаспий халқаро транспорт йўлаги) минтақанинг транзит салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Европанинг энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёжи ортиб бораётган бир пайтда Озарбайжон газ таъминотида муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон ҳам энергетика соҳасини ривожлантириш ва диверсификациялаш орқали Европага энергия экспорт қилиш имкониятларини кўриб чиқмоқда.

СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг жорий йил 31 август — 1 сентябрь кунлари Тяньцзин шаҳрида (Хитой) бўлиб ўтadиган 25-йигилиши олдидан пойтахтимизда Ўзбекистон — Хитой стратегик ҳамкорлигига бағишланган давра суҳбати ҳамда “Ўзбекистон стратегияси” журнаlining махсус сони тақдими бўлиб ўтди.

Тақдимот



У “Тараққиёт стратегияси” маркази томонидан Хитойнинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбирда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Юй Цзянь, мамлакатимиз вазирлик ва идоралари вакиллари, таҳлил марказлари экспертлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжуманда айтилганидек, Хитой Ўзбекистоннинг энг йirik савдо-сармоявий ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Ўтган йили икки мамлакат ўртасидаги савдо ҳажми 12,4 млрд. доллардан ошгани, жалб қилинган тўғридан-тўғри инвестициялар 10 млрд. долларни ташкил этгани, иқтисодиётимизнинг энергетика, телекоммуникация, транспорт, кон-металлургия, тўқимачилик ва рақамли инфратузилма каби муҳим тармоқларида Хитой капитални иштирокда очилган 3 300 дан зиёд қўшма корхоналар самарали фаолият юритаётгани бунинг яққол далилидир.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлик турли халқаро платформалар, жумладан, БМТ, ШХТ, Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлиги доирасида тобора ривожланиб бормоқда. Айниқса, икки давлат ШХТ ҳаммуассислари ва фалол аъзолиги сифатида ўзаро муносабатларни янги bosқичга олиб чиқиш учун аниқ тақдир ҳамда ташаббусларни илгари суриб келмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ташкилотта раислик қилувчи мамлакат сифатида ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисларига тўрт мартабада мезбонлик қилган бўлса, унинг сўнгисига 2022 йилда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди. Мазкур саммит якунлари бўйича рекорд даражада — жами 44 та ҳужжат, жумладан, қатор келишув ва дастурлар имзоланди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ШХТга аъзо мамлакатлар ўртасидаги минтакавий ҳамкорлик самарадорлигини

ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича умумий тамойил ва ёндашувларни ишлаб чиқиш, махсус иқтисодий зоналар альянсини ташкил этиш, ШХТ давлатлари савдо ярмаркасини ўтказиш каби йўналишларда ўзаро мулоқот, тушуниш ва ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашга қаратилган муҳим тақдирлар илгари сурилди.

Элчи жаноблари таъкидлаганидек, Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида ўзаро манфаатли стратегик шериклиқнинг бундан кейин ҳам изчил ривожланиб бориши, хусусан, ШХТ доирасидаги сиёсий-дипломатик мулоқот, савдо-иқтисодий алоқалар, маданий-гуманитар, илмий-техникавий алмашинувлар ва минтакавий ҳамда глобал хавфсизлиқни таъминлаш соҳаларидаги фаолият янада мустаҳкамланиши, шубҳасиз.

“Ўзбекистон стратегияси” журнаlining махсус сони Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги хар томонлама стратегик шериклик, шунингдек, ШХТ доирасидаги кўп қиррали алоқаларнинг муҳим йўналишларига бағишланган бўлиб, унда минтакавий ҳамкорликка оид туркум материаллар, экспертлар таҳлиллари ва амалий тажрибалар қамраб олинган. Шунингдек, икки мамлакатнинг тегишли вазирликлари раҳбарияти ва тадқиқот муассасалари экспертлари томонидан тайёрланган таҳлилий шарҳларга ҳам кенг ўрин берилган. Шу маънода, мазкур нашр Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги стратегик шериклик, ШХТ доирасида ривожланиб бораётган алоқалар мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ тушунишга хизмат қилади.

Тадбирда сўзга чиққан экспертлар ШХТнинг муҳим тадбири арафасида “Ўзбекистон стратегияси” журнаlining махсус сони чоп этилиши минтақадаги сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётганидан далolat эканини алоҳида таъкидлади.

Абдуноби **АЛИҚУЛОВ** («Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

ҚИЗИҚИШ БИЛДИРИШГА СЎРОВ

«ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИНКЛЮЗИВЛИК» ЛОЙИҲАСИ

Кредит рақами: 7425-UZB

Хизмат тавсифи: “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ “Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик” лойиҳаси доирасида “UZ-DIP-505600-CS-CQS — Ҳаракатланиш имконияти чекланганлар учун ишга тайёргарлик бўйича кўникмаларни ривожлантириш тренинг дастурлари” консалтинг хизматлари учун консалтинг ташкилотларини қизиқиш билдиришга тақлиф қилади.

Қизиқиш билдиришнинг охириги мuddати: 2025 йил 3 сентябрь соат 18:00.
Батафсил маълумот учун: udip@it-park.uz, (99871) 209 11 99, +99890 929 60 49.

QIZIQISH BILDIRGAN TASHKILOTLAR UCHUN SO'ROV

(MASLAHAT XIZMATLARI — FIRMALARNI TANLASH)

Mamlakat: O'zbekiston Respublikasi
Loyiha nomi: “A373” yo'lining 0 – 37 km qismini rekonstruksiya va modernizatsiya qilish
Soha nomi: transport
Maslahat xizmatlari: moliyaviy audit xizmatlari
Moliyalashtirish usuli: bo'lib-bo'lib sotish
Moliyalashtirish raqami: UZB-1042

O'zbekiston Respublikasi Islom taraqqiyot banki (ITB) mablag'lari hisobiga yuqorida ko'rsatilgan loyihani moliyalashtirmoqda va mablag'larning bir qismini moliyaviy audit xizmatlariga yo'naltirish rejalashtirilgan. Topshiriqning maqsadi auditorga Loyihaning moliyaviy hisobotlari (PFS) har bir moliyaviy yil yakuni bo'yicha loyihaning moliyaviy ahvoli to'g'ri va haqqoniy aks ettirilishi hamda ITBdan olingan mablag'lar hamda sarflangan xarajatlar bank tomonidan belgilangan moliyalashtirish talablariga mos kelishi va PFSda to'g'ri aks ettirilishi hamda professional nuqtai nazarni bildirishdan iboratdir.

Islom taraqqiyot banking 2025-yil 23-yanvardagi veb-saytida e'lon qilingan ushbu loyiha Umumiy xaridlar to'g'risidagi bildirishnomalarga (GPN) muvofiq amalga oshiriladi.

Topshiriq bo'yicha batafsil ma'lumotlar

Texnik topshiriq shartlariga muvofiq (TOR) ushbu e'longa ilova qilingan.

Audit davri: 2025 — 2030-moliyaviy yillar (31/12/2025, 31/12/2026, 31/12/2027, 31/12/2028, 31/12/2029 va 31/12/2030).

Topshiriq Islom taraqqiyot banki va O'zbekiston hukumati tomonidan taqdim etilgan barcha loyiha resurslarining auditini o'z ichiga oladi.

Qo'llanilish doirasi haqida qisqacha ma'lumot: PFS auditiga qo'shimcha ravishda, xizmatlar ITB qoidalari va protseduralariga muvofiqligini tekshirishni (shu jumladan, xarajatlarning muvofiqligini) va TORga muvofiq loyihaning asosiy vositalarini tekshirishni o'z ichiga oladi.

Qiziqish bildirgan talabgorlar xizmatlarini bajarish uchun malakali ekanliklarini tasdiqlovchi ma'lumotlarni taqdim etishlari shart. EOI quyidagilarni o'z ichiga olishi kerak: (i) kompaniya profili; (ii) ro'yxatga olish/akkreditatsiya guvohnomasi va amaldagi audit litsenziyasi; (iii) oxirgi besh (5) yil (2020 — 2025) davomida bajarilgan kamida ikkita (2) o'xshash moliyaviy audit topshirig'i to'g'risidagi dalillar; (iv) xalqaro taraqqiyot banklari (masalan, ITB, Jahon banki, OTB, YeTTB) tomonidan moliyalashtiriladigan loyihalarning kamida ikki (2) auditdan o'tkazilganligi to'g'risidagi dalillar; (v) kamida ikkita (2) ma'lumotnoma (aloqa ma'lumotlari bilan). Transport/

infratuzilma sektori loyihalarini tekshirish tajribasiga ega bo'lishi afzalroqdir.

Asosiy ekspertlar saralash bosqichida baholalanmaydi.

Qiziqqan talabgorlar e'tiborini ISDB loyihasin moliyalashtirish bo'yicha maslahat xizmatlarini xarid qilish yuzasidan yo'riqnomaning 2019-yil aprel (2023-yil fevral oyida qayta ko'rib chiqilgan) Xaridlar siyosatining 1.12.1 va 1.12.2 paragraflariga qaratiladi (01-qism, 01-bob).

Maslahatchilar qo'shma korxona (QK) va/ yoki subkonsultatsiya shaklida o'z malakalarini oshirish uchun boshqa tashkilotlar bilan birlashishi mumkin. QK uchun tashkilotlar EOI bilan o'zaro anglashuv memorandumini (memorandum) yoki QK bitimi loyihasin taqdim etishlari kerak; barcha QK sheriklari butun shartnoma bo'yicha birgalikda va alohida javobgar bo'ladilar. Ixtisoslashgan vazifalarni bajarish uchun subkonsultatsiyaga ruxsat beriladi; batafsil kelinuvlar RFP bosqichida tasdiqlanadi.

Auditlikl firmasi 2019-yil aprel (2023-yil fevral, qayta ko'rib chiqilgan) ITB loyihasin moliyalashtirish bo'yicha maslahat xizmatlarini xarid qilish yuzasidan yo'riqnomada belgilanganidek, har yili topshiriqni bajarish uchun mahalliy firmalar ro'yxatidan eng kam xarajatli tanlash (LCS) usuliga muvofiq tanlanadi.

Litsenziyalash/munosiblik: qisqa ro'yxatga

olihi uchun qatnashchi O'zbekiston Respublikasi vakolatli organi tomonidan berilgan amaldagi audit litsenziyasiga ega bo'lishi kerak; xalqaro qatnashchilar faqat litsenziyaga ega bo'lgan mahalliy firma bilan hamkorlikda qatnashishi mumkin, bunda ISDB muvofiqlik talablariga muvofiq.

Til: EOI ingliz tilida topshiriladi. Auditor hisobotlari va PFS ingliz tilida tayyorlanadi; agar birlamchi moliyaviy hisobotlar o'zbek yoki rus tillarida bo'lsa, qatnashuvchi tegishli bo'limlarning ingliz tiliga tarjima qilinishini ta'minlaydi.

Manfaatdor auditorlik tashkilotlari qo'shimcha ma'lumotlarni quyidagi manzil bo'yicha ish vaqti davomida, mahalliy vaqt bilan soat 09:00 dan 18:00 gacha olishlari mumkin.

Qiziqish bildirishnomalari faqat elektron pochta orqali yuboriladi (bitta imzolangan PDF fayl; qog'oz nusxalari shart emas). EOI quyidagi elektron pochta manziliga 2025-yil 22-sentyabr (mahalliy vaqt bilan 11:00)gacha qabul qilinishi kerak.

“Avtoyo'invest” agentligi.

Asliddin Isayevga, “Avtoyo'invest” agentligi direktori.

Manzil: O'zbekiston Respublikasi, Toshkent 100000, Mustaqillik shohko'chasi, 68-uy, Avtomobil yo'llari qo'mitasi.

Tel: (+99871) 207-67-68.
Elektron pochta: piuisdb37km@gmail.com

Фахр

СЕН КЎНГЛИМ
КЎЗИДА
ГАВҲАРСАН, ВАТАН

Тогларинг елларин оҳуга йўйдим,
Тонгларинг нурида туйғулар тўйдим,
Мен сени шлоҳий гулрўдай сўйдим,
Сен кўнглим кўзида гавҳарсан, Ватан.

Тўзонлар тўзғиди қайғудай бўзлаб,
Хазонлар изғиди мезондай сўзлаб,
Тогдай келавердинг қўёшни кўзлаб,
Сен кўнглим кўзида гавҳарсан, Ватан.

Чақмоқ чақинларда ёрқинланидинг сен,
Темур туғларида ёлқинланидинг сен,
Жайхун сувларида тўлқинланидинг сен,
Сен кўнглим кўзида гавҳарсан, Ватан.

Музликлар музлари эриди-синди,
Ҳар гиёҳ, ҳар дарахт нур каби унди,
Хувайдо-хувайдо қуёшлар ёнди,
Сен кўнглим кўзида гавҳарсан, Ватан.

Юз босдим юракдай япроқларингга,
Кўз босдим кўксининг сўтроқларига,
Қўшилиб ёнгайман титроқларингга,
Сен кўнглим кўзида гавҳарсан, Ватан.

Ойбулоқларингдан тўйиб ичайин,
Сой-сабоҳларингга дилим очайин,
Гул-тупроқларингни ўпиб қучайин,
Сен кўнглим кўзида гавҳарсан, Ватан!

Менгнор ОЛЛОМУРОД,
шоир.

ЖОНДОРДА ГАСТРОНОМИК КЎЧА

Ҳар қандай киши чет эл саёҳатиға йўл олишдан аввал ўша мамлакатнинг миллий таомлари, пазандчилиги билан қизиқиши тайин. Ва бу табиий ҳол. Шу инобатга олинган ҳолда Жондор тумани марказидаги Маҳмуд Торобий кўчаси гастрономик гўшаға айлантирилаётир.

Туризм

— Юртимиз миллий таомлари билан ҳам ном қозонган, — дейди жондорлик ҳам-касбимиз И. Ҳайдаров. — Кўли ширин ош-пазларимиз томонидан тайёрланаётган софи ош, кабоб, балиғу сомсалар чет эллик меҳмонларнинг олқишиға сазовор

бўляпти. Бундан ташқари, туманимизда олис ўтмишдан ҳикоя қилувчи кўҳна манзиллар кўп. Шу боис қадимий Варахша шаҳри харобалари, Қизибби қадамжоси, Маҳмуд Торобий билан боғлиқ масканлар-

ни томоша қилгани сайёҳлар тез-тез келишади. Бунда уларға бўлғуси гастрономик кўча манзур бўлиши тайин.

Аҳамиятлиси, гастрономик кўча маҳаллий бюджет учун ҳам қўшимча даромад манбаи вазифасини ўтайди. Гап шундаки, сайёҳлар ўз харажатларининг тахминан 30 фоизини овқатланишға сарфлашади. Қолаверса, мазали таомлар уларнинг ташриф қуналарини ўзайтириши ҳам мумкин.

Барпо этилаётган кўнгилочар маскан туну

қун фаолият кўрсатади. Қуёш панелли ёритқичлар, шинамгина пиёдалар йўлаги, соябонлар, ўриндиқлар, шинам ошхоналар — буларнинг барчаси меҳмонларнинг миллий таомлардан тановул қилиб, кўнгилли хордиқ чиқаришиға имкон беради.

Гастрономик кўча шарофати билан хизмат кўрсатиш соҳасида юздан зиёд тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини бошлаиди.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

ЙИЛИГА УЧ МАРТА ҲОСИЛ

Фарғона туманидаги 7 мингга яқин аҳоли хонадонининг 654 гектар томорқасида “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида малина етиштирилмоқда. Бу соҳа ривожига қаратилган эътибор ва рағбат туфайли туманда кейинги йилларда маҳаллий навлар билан бирга Италия, Туркия каби давлатлардан келтирилган экспортбоп янги навларни маҳаллийлаштириш ҳамда ундан юқори ҳосил олишға эришиляпти.

Омилкорлик

Масалан, бугунги кунда “Алпомиш Хосиятхон” боғдорчилик фермер хўжалигининг 14 гектар ерида Италиянинг 12 хил малина кўчатлари парваришланмоқда. Ўз навбатида, замонавий ёндашувлар асосида серҳосил ва экспортбоп навларни кўпайтириш бўйича илмий изланишлар йўлга қўйилган.

— Биргина ўтган йилнинг ўзида



Италиядан 2 минг дона янги нав кўчатлар олиб келинди, — дейди хўжалик раҳбари Элёрбек Нишонов. — Шу тарика очик майдонларга экилган бу навлар маҳаллий иқлим шароитига тез мослашди.

Улар иссиқхонада ҳам синовдан ўтказилди. Натижада иссиқхона шароитида парвариш қилинган малина кўчатларидан йилига уч мар-

та ҳосил олишға эришилди. Шу билан бирга, ҳар гектар ердан олиннадиган ҳосил салмоғи ошди ва сифати яхшиланди. Бу эса малина мевасини узоқ вақт сифатли сақлаш ҳамда экспортга йўналтириш имконини бериши билан аҳамият-лидир.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).Хорижий тилларни
ўргатувчи энг яхши мактаб

Янгиқўрган туманининг Юксалиш маҳалласида жойлашган 10-умумтаълим мактабида уч мингга яқин ўқувчилар таҳсил олади. Бу мактабда асосий фанлар қатори инглиз ва немис тилларини ўқитишға ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Офарин!

Айни мақсадда тил ўргатишнинг замонавий воситалари — компьютер, овоз қучайтиргич, интерфаол доска ва бошқа электрон жиҳозлар жамланган махсус синфхона имкониятларидан кенг фойдаланилаётир. Тугалланган ўқув йили яқунлари билан таълим даргоҳининг 50 нафар ўқувчиси “IELTS” сертификатини қўлга кири-тиб, олий ўқув юртига кириш имтиёзларига эга бўлди.

— Президент соврини учун ўтказилган “Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб” республика танловида биринчи ўринни эгаллаганимиз айни йўналишдаги катта ютуғимиз бўлди, — дейди 10-умумтаълим мактаби директори Азиза Аскаррова. — Ўқувчиларимиз танловдаги муваффақиятли иштироки учун 500 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Бунга қўшимча равишда уларға Буюк Британияға таълим саёҳати йўланмаси ҳам тақдим этилди.

Айтиш жоизки, қишлоқ мактабидаги намунали таҳсил натижаси битирувчилар катта қисмининг олий ўқув юрти-ларига қабул қилинишида ҳам яққол намоён бўлди. Биргина жорий йилнинг ўзида ушбу мактабнинг 90 нафар ўқувчи-си талабалик бахтиға эришган бунинг тасдиғидир.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ
(«Халқ сўзи»).ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА ТАДҚИҚОТЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ —
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ САРИ ҚАТЪИЙ ҚАДАМ

Ҳар қандай давлатнинг интеллектуал салоҳияти ва барқарор тараққиётини таъминлашда олий таълим тизими ҳал қилувчи омилдир. Замонавий дунёда таълим фақат назарий билимлар бериш билан чекланиб қолмасдан, илмий тадқиқотлар, инновациялар ва замонавий технологиялар билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланмоқда. Илм ва таълим бир-бирига чамбарчас боғлиқ жараёнлар сифатида қаралади. Бу эса ўқув жараёнининг фақат маълумот бериш эмас, балки янгилик яратиш жараёниға айланганини англатади.

Нуктаи назар



Массачусетс технология институти, Оксфорд, Кембриж, Токио университетлари ва дунёдаги бошқа кўллаб етакчи олийгоҳлар айнан “тадқиқот университети” моделида фаолият юритиб, миллий ва жаҳон иқтисодиётининг илмий-амалий ривожига улкан ҳисса қўшмоқда. Бундай ёндашув Ўзбекистон учун ҳам жуда муҳим. Чунки тадқиқотга асосланган таълим модели мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, рақобатбардор иқтисодиётни шакллантириш ва инновацион ривожланишни таъминлашда асосий омил ҳисобланади.

Шу нуктаи назардан, олий таълим муассасаларида илмий тадқиқотлар фаолиятини таълим жараёни билан уйғун ҳолда ташкил этиш айни вақтда муҳим вазифалардан бириға айланмоқда. Илм, айниқса, технология ва иқтисодиёт соҳаларида юксалишнинг ҳаракатлантирувчи кучидир. Ушбу жараён фақат лабораториялар ва илмий мақолалар билан чекланиб қолмаслиги, балки амалиётта йўналтирилган ҳолда жамият ҳаётида ўз аксини топиши зарур.

Келажақни
яратиш воситаси

Илм — ўтмишини англаш, бугунни баҳолаш ва келажақни яратиш воситасидир. У орқали ўз тарихимизни чуқурроқ билиб оламиз, келажақни те-ранроқ башорат қилиш имконига эга бўламиз. Янги даврда технологик мустақилликка эришишнинг ягона йўли ҳам илм ва инновациядан ўтади. Шу боис мамлакатимизда фундаментал ва амалий фанларни ривожлантириш, илмий муассасалар фаолиятини кўллаб-қувватлаш, ёш тадқиқотчиларни рағбатлантиришға алоҳида эътибор қарати-лмоқда.

Юртимизда илмий изланишлар учун зарур инфратузилмалар яратилмоқда, грантлар, инновацион лойиҳаларға молиявий кўмаклар ажратила-ётир. Бу эса олий таълим тизимини фақат билим бериш марказига эмас, балки миллий инновация муҳитига айлантириш имконини беради.

Илмий тадқиқотлар олий таълим тизимининг ажралмас компонентни ҳисобланади. Улар таълим сифатини ошириш, янги педагогик ва амалий усулларни жорий этиш ҳамда муаммоларни илмий асосда ҳал қилиш имкониятини яратади. Бугунги кунда илмий изланишлар фақат профес-сор-ўқитувчилар эмас, балки бакалавр ва магистрат талабалар учун ҳам таълим жараёнининг узвий қисмиға айланмоғи зарур.

Бир томондан, фан ва тадқиқотлар натижалари таълим мазмунини бойитса, иккинчи томондан, таълимнинг ўзи фан учун янги салоҳият, иқтидорлар ва амалиётда қўллаш мумкин бўлган гоёлар манбаи бўлиб хизмат қилади. Илмий тадқиқотлар натижасида таълимда сунъий интеллект, онлайн таълим платформалари, симуляцион технологиялар каби инновациялар жорий этилмоқда. Шу орқали талабаларнинг креатив ва танқидий фикрлаш қобилиятлари ривожланади, жамият ҳамда иқтисодиёт эҳтиёжларига мос инновацион ечимлар ишлаб чиқилади.

Айни пайтда кўллаб олий таълим муассасаларида талабалар учун илмий-амалий лабораториялар ва тадқиқот марказлари ташкил этилган бўлиб, улар “билимларни амалиётда қўллаб қўриш” тамойилини ҳаётга татбиқ қилишда муҳим ўрин тутаяпти. Шу билан бирга, хорижий олий таълим муассасалари билан амалға оширилаётган кўшма дастур ва лойиҳалар илмий тадқиқотларнинг халқаро майдонға чиқишига замин ярат-моқда.

Бу борада Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети техник йўналишдаги илгор ҳамда тарихий илмий марказ сифатида таълим ва фан уйғунлигининг амалий намунаси-ни намоён этмоқда. Университет таълим, тадқиқот ва инновацияларни ягона платформада уйғунлаштиришға қаратилган ислохотларни изчил амалға оширмоқда. Хусусан, хорижий уни-верситетлар билан кўшма лойиҳаларни ривож-лантириш, илмий тадқиқот гуруҳларини шакл-лантириш ва глобал илмий жамоаға интеграция-лашув орқали университет миллий ва халқаро

миқёсдаги илмий марказға айланмоқда.

Сўнгги йилларда университетда илмий тадқиқотлар учун замонавий инфратузилмалар — юқори технологияли лабораториялар, марказлар ташкил этилди. Жумладан, “Micromine” геотехнологик ла-бораторияси Австралиянинг “Micromine” компа-нияси билан ҳамкорликда очилди. Ушбу лабора-торияда 1 млн. долларлик лицензион дастурлар (“Micromine Origin & Beyond”, “Geobank”, “Pitram”) орқали геологик маълумотларни таҳлил қилиш ва моделлаштириш ишлари амалға оширилади.

Меҳнатта хавфсизлик, саноат ҳимояси, экологик му-ҳандислик соҳаларида амалий тадқиқотлар ўтка-зилади. Саноат робототехника лабораториясида талабалар сунъий интеллект асосида ишлайди-ган робототехник тизимларни лойиҳалаш ва яратиш билан шуғулланишмоқда.

Мазкур лабораторияларда нафақат профессор-ўқитувчилар, балки талабалар ҳам мустақил илмий изланишлар олиб бормоқда. Талабалар илмий гуруҳларға жалб этилади, илмий раҳбар-лар эса тадқиқот натижаларини ўқув жараёниға тўғридан-тўғри жорий қилиш имкониятиға эга бўлмоқда.

Фан ва амалиёт
уйғунлиги

Олийгоҳда таълим ва илмий тадқиқотлар ин-теграциясига қаратилган қатор чора-тадбирлар изчил амалға оширилмоқда. Ушбу ёндашув таъ-лим сифатини яхшилаш, фан ва амалиёт уйғун-лигини таъминлаш, талабаларнинг илмий фаол-лигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб эт-моқда.

Замонавий фан ва технологиялар асосида қайта ишланган ўқув дастурлари талабаларға на-зарий билим билан бирга, уларда ҳаётини со-ҳавий муаммоларни ҳал этиш кўникмасини ҳам шакллантирмоқда. Хусусан, геология-қидирув, кончилик иши, металлургия каби фанларда ўқув материаллари тўғридан-тўғри амалға ошири-

лаётган илмий тадқиқотлар билан боғланган. Бу эса талабаларнинг таълим олиш жараёнида илмий таҳлил ва тадқиқот кўникмаларини ривож-лантиришға хизмат қилмоқда.

Университетда профессор-ўқитувчилар нафа-қат дарс берувчи мутахассис, балки тадқиқот раҳ-бари сифатида ҳам фаолият олиб боради. Тала-балар билан ҳамкорликда илмий мақолалар, лойиҳалар ва патентлар устида ишлаш таълим ва фан уйғунлигининг самарали шакли сифатида амалиётда қўлланилмоқда. Бакалавр ва магистр-лар ўз битирув ишларини илмий лойиҳаларға су-янган ҳолда тайёрлаб, амалий тадқиқотлар асо-сида ҳимоя қилмоқда.

Бу ерда “Ёш олимлар клуби” ва “Инновацион гоёлар стартап академияси” фаолият юритапти. Ушбу тузилмалар орқали талабалар ўз тадқиқот ва бизнес гоёларини амалий лойиҳаларға ай-лантириш имкониятиға эга бўлмоқда. Таълим жа-раёнида талабаларни илмий изланишларға жалб этиш орқали уларда мустақил фикрлаш, муаммо-ларни таҳлил қилиш ва инновацион ечим топиш кўникмалари ривожлантирилмоқда. Илмий кон-ференциялар, стартап танловлари ва грант лойи-ҳаларидаги иштироки орқали ёшлар илмий муҳитта чуқур кириб бормоқда.

Университет фан ва таълимни саноат эҳтиёж-лари билан уйғунлаштириш, амалиётта йўналти-рилган илмий изланишлар орқали иқтисодиёт тар-моқларини ривожлантиришға фаол ҳисса қўшмоқ-да. Бу ишлар нафақат илмий салоҳиятни оши-риш, балки мамлакатимиз саноатини иннова-цион асосда тараққий эттиришға ҳам хизмат қил-моқда.

Хусусан, университет “Навоий кон-металлур-гия комбинати” АЖ, “Олмалиқ кон-металлур-гия комбинати” АЖ, “Ўзбекистон технологик ме-таллар комбинати” АЖ, “Ўзбекистон металлур-гия комбинати” АЖ каби йирик саноат корхо-налари билан ҳамкорликда қатор муҳим илмий лойиҳаларни амалға оширмоқда. Бу лойиҳа-лар минерал ресурсларни қайта ишлаш, тех-нологик ечимлар яратиш, энергия самарадор-лигини ошириш каби долзарб соҳаларни қам-раб олган.

Илмий изланишларни
молиялаштиришнинг
ўзига хос механизми

Илмий тадқиқотлар натижасида яратилган иш-ланмалар асосида бир қатор патентлар олинмоқ-да ва улар амалиётта жорий этилаётир. Бу эса фаннинг амалий қийматини ошириш, илмий иш-

ланмаларни тижоратлаштириш ва уларни иқтисо-диётда кенг қўллаш имконини бermoқда.

Университет ҳузурдаги Технологик стартап маркази, Инновация ва трансфер офиси ҳамда Патент-экспертиза бўлими орқали аниқ илмий-амалий механизм самарали йўлга қўйилган. Жум-ладан, “Илмий гоё — Илмий ишланма — Патент — Амалиётта жорий этиш” занжир асосида тадқиқот натижалари реал иқтисодий салоҳиятга эга махсулотларға айлантирилмоқда.

Бундан ташқари, олийгоҳ йирик корхоналар билан ҳамкорлик меморандумлари асосида узлук-сиз тадқиқот ва инновация алоқаларини йўлга қўйган. Илмий изланишлар “саноатда аниқ нати-жа бериш” тамойили асосида амалға ошириляёт-гани уларнинг молиялаштирилишида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Университет халқаро олий таълим майдонида илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, таълим сифа-ти ва тадқиқот фаолиятини юксалтириш орқали нуфузли рейтингларда ўз ўрнини топмоқда. Бугунги кунда университет QS (“Quacquarelli Symonds”) ва THE (“Times Higher Education”) каби дунёдаги энг нуфузли халқаро рейтинг тизими-ларида иштирок этиб, ўзининг таълим сифати, илмий тадқиқот фаолияти ва халқаро ҳамкорлик-даги ютуқларини глобал даражада намоён қилмоқда.

Айниқса, университетнинг “QS World University Rankings” рўйхатида илк бор 901 — 950 поғона-лар оралиғидан жой олгани унинг халқаро миқёс-даги илмий ва академик салоҳияти тан олинаёт-ганини кўрсатади. Бу натижа сўнгги йилларда амалға оширилган тизимли ислохотлар, профес-сор-ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларнинг юқори фаоллиги ҳамда халқаро академик ҳамкорликлар-нинг самараси ҳисобланади.

Университетнинг халқаро рейтинглардаги му-ваффақиятли иштироки илмий изланишларнинг сифатини ошириш, халқаро академик мобилилик имкониятларини кенгайтириш, талабалар ва ёш олимлар учун халқаро стипендиялар, грантлар ва ҳамкорлик дастурларидан фойдаланиш имкония-тини яратишда муҳим механизм вазифасини ўта-моқда.

Янги Ўзбекистон келажаги, аввало, интелле-туал салоҳиятга, яъни илм ва таълимнинг барқа-рор ривожига таянади. Илм-фан ва таълимнинг уйғунлиги нафақат фаннинг юқори босқичға кўта-рилиши, балки мамлакатнинг умумий иқтисодий, ижтимоий ва технологик тараққиётига хизмат қилади.

Бугунги кунда Тошкент давлат техника универ-ситети таълим ва фан уйғунлиги, саноат билан яқин ҳамкорлик, халқаро илмий ҳамжиҳатлик ва академик рейтинглардаги фаол иштирок каби кўллаб-қувватлов йўналишлар асосида фаолият юритилмоқда. Бу тажриба нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақадаги олий таълим муассасалари учун ҳам ўрнак бўла олади.

Суннатилла ҒОИБНАЗАРОВ,
Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат
техника университети факультет декани,
техника фанлари доктори.

Тошкентда «Ўзбекистон — Покистон: муштарак маданий мерос» фотоқўргазмаси бўлиб ўтди.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 10 709 нусxada босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатда маълумотларни юқоли олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

Таҳриратта келган кўлемалар тақриз қилинмайди ва муаллифға қайтарилмайди.
Газетанинг сўказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.
Газета таҳриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.30 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши